

Олтин ерда
қолса ҳам,
Билимли
йўлда қолмас.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ўзбек халқ мақоли 1931-йилдан чиқа бoshлаган • E-mail: info@marifat.uz • 2013-йил 16-январ, chorshanba № 5 (8550)

МАГИСТРАТУРА

янгича талаблар,
такомиллашган жараён ва
катта масъулият

Dolzarb mavzu

Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинган Магистратура тўғрисидаги низом бақаларидан негизда мuddати камида 2 йил давом этадиган олий таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янгиликларни ўз ичига олган.


— Янги низомда амалга татбиқ этилиши кўзда тутилган ўзгаришлар анчагина, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-

нинг олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиги ўринбосари Барно Ражабов. — Асосий ўзгариш ва янгиликлар магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга қўйилган талабларда ўз аксини топади. Аввало, магистрлик диссертацияси мавзуларини тасдиқлаш ва илмий раҳбарларни тайинлаш бўйича тартиблар ва меъёрлар киритилди. Изланишларнинг ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши, аслида, бугунги кун талабидир. Шунингдек, магистрлик диссертациясининг тузилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу пайтгача диссертациянинг ҳажми, унга қўйилган талаблар умумий тарзда берилган бўлса, янги ҳужжатда буларнинг барчаси батафсил баён этилди.

(Давоми 3-бетда.)

2013-йил — Obod turmush yili

ОБОД ЮРТНИНГ МУСТАҲҚАМ ОИЛАСИ



Мамлакат ободлиги оилалар мустаҳкамлигига боғлиқ. Чироқчи тумани Жар қишлоғида яшайдиган Рустам Қурбонов оиласини кўни-қўшни, маҳалла-қўй ана шундай тотув, фаровон ва обод хонадон сифатида эътироф этади.

(Давоми 2-бетда.)

ТАРБИЯЧИ ВА ОТА-ОНА уларнинг ўзаро муносабатида бола манфаати устувор бўлиши зарур

Болалар тарбиясидек нозик ва машаққатли вазифага масъул бўлган жамоада аҳиллик, иноқлик, дўстона муҳит бўлсагина, таълим-тарбия ишида самара кўзга ташланади. Мазкур мақоламизда мактабга таълим муассасасида соғлом муҳитни барқарор таъминлашда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги хусусида фикр юритамиз.

5 >

БИОМИМЕТИКА

ёхуд геккон, нилуфаргул ва
голотуриядан нусха олиб...



Табият ўз объектларини ҳамisha максимал самарадорлик билан яратди. У ўз "вазифа"сини бекаму кўст, оригиналлик, гайриоддийлик ва ресурсларни тежаш асосида амалга оширади. Албатта, бу ҳол инсонга завқ бағишлаб, у шундай ажойибу гаройиб нарсалар ва жараёнларни такрорлашни — нусхасини олишни хоҳлайди.

11 >

ЁШ АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МАСКАНЛАР



Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан худудларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган мажмуаларни барпо этиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бугунги кунгача жамғарма томонидан республика бўйича жами 1480та ишюотда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилган.

15 >

ТИЛ ЎРГАНИШДА АКТ АҲАМИЯТИ

Seminar-trening

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан хорижий тилларни ўқитишда мультимедиа дарсликлари ва электрон ресурслардан самарали фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидланган. Таълим муассасаларининг компьютер ва лингафон хоналари билан жиҳозлангани ушбу йўналишдаги амалий ишларни тўлақонли олиб боришга замин яратади, албатта. Ўқув масканларида дарсларни мазмунли ташкил этишда илгор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун информатика фани ўқитувчилари билан ҳамкорликда ишлаш қутилган самара бериши шубҳасиз.

Пойтахтимиздаги 89-умумтаълим мактабида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Британия кенгаши ҳамкорлигида "Инглиз тилини ўрганишда замонавий АКТдан фойдаланиш лойиҳасини амалиётга жорий этиш"га бағишланган семинар-тренинг ўз ишини бошлади. Тадбирда Республика таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ва вилоятлардаги ПКҚТМОИлари мутахассислари ва инглиз тили бўйича экспертлардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари иштирок этиди.

— "Инглиз тилини ўрганишда замонавий АКТдан фойдаланиш" курсида ўқитувчиларга турли методик тавсиялар берилди, — дейди лойиҳа муаллифи Наталья Царикова. — Аслида, ҳар бир педагог ахборот технологияларида ишлаш учун етарли салоҳиятга эга бўлиши керак. Айниқса, инглиз тили ўқитувчилари хориж тажрибаларини ижодий ёндашган ҳолда ўқувчига етказиб бериши, компьютер бўйича мутахассислардан кўмак олиши лозим. Шу мақсадда бугунги семинарга ҳар икки йўналиш-

даги ўқитувчилар жалб этилди. Кейинчалик бу ҳамкорлик давом эттириб, янги мавзу ва методикалар бўйича ўтиладиган дарсларни ташкил этиш режалаштирилган.

Семинарда чет тили ўқитувчиларининг машғулот жараёнидаги фаоллиги ҳамда касбий малакасини оширишда интернет манбалари ва "ZiyoNET" тармоғи ахборотларидан фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилди. Айтиш мумкинки, "ZiyoNET"да "Чет тилини ўрганиш" бўлими яратилиб, электрон дарсликлар, қизиқарли ўйинлар, бошқотирмалар, лугатлар тайёрлашга киришилгани ҳам айни мuddада бўлмоқда.

— Биз соҳамизга тегишли янгиликлардан бохабар бўлиш, масофавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича машғулотларда қатнашармиз, — дейди Фарғона вилояти ПКҚТМОИнинг инглиз тили ўқитувчиси Ҳаётхон Тўхтаева. — Тренингларда мутахассислардан билим олиб, малака ошириш имконига эга бўлаёмиз.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон ва Сарийосиё туманларида вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлими мудирилари, услубчилар, мактаб директорлари иштирокида Президентимизнинг "Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унда белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Анжуманларда мактабларда чет тили, хусусан, инглиз тилини чуқур ўргатиш, ҳудуддаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

баларини оммалаштириш хусусида сўз юритилиб, мутахассисларнинг таклиф ва тавсиялари тингланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгал-

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълимни ташкил этиш бош бошқармаси бошлиги Ф.Аҳмедов умумтаълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг янги, илғор усулларини жорий этиш, зарур ўқув-анжомлари, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш тартиблари ҳамда бажарилиши режалаштирилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида маълумот берди.

Тадбирларда шунингдек, илғор мактабларнинг чет тилларни ўқитишга доир тажри-

лаб, етук шахс бўлиб етишиши учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Айниқса, умумтаълим муассасаларининг ўқув-лаборатория, компьютер жиҳозлари, замонавий мебель, лингафон кабинетлари билан таъминлангани ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширяпти. Президентимизнинг юқоридаги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Норкуват Тўраев,
"Ma'rifat" мухбири

ОБОД ЮРТНИНГ МУСТАҲКАМ ОИЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Рустам ака — педагог, ўттиз йилдирки ёш авлодни маърифатли қилиш йўлида куч-гайратини аямайди. Жонкуяр ўқитувчининг жуфти ҳалоли Мунаввар ая ҳам таълим-тарбия маскани — мактабда ишлаб, нафақага чиқди. Ўқитувчилар оиласида зиёли инсон бўлиб вояга етган беш ўғил-киз бугун эл-юрт қорига ярамоқда.

— Оиламиздаги тинчлик ва тўқислик ўзаро ҳамжихатликдан, — дейди Рустам Қурбонов. — Фарзанд ва набираларимизни ёнимизга чорлаб, тўқин дастурхон атрофида дилдан сўхбат қуриш оилавий аънамамизга айланган. Ҳаётий масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашамиз, оила қуриш, рўзғор юритиш тажрибасидан маслаҳат, йўл-йўриқ берамиз.

Ҳа, аҳил оилада соғлом муҳит қарор топади. Соғлом муҳитда эса одоб-ахлоқи, меҳнатсевар, миллий қадриятлар, урф-одат ва аъналарга ҳурмат билан қарайдиган ёшлар қамолга етади.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи таянч ўқув муассасаларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда бу ерда 1462 ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга 93 нафар малакали педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари сабоқ бермоқда. Шундан бир нафари фан доктори, беш нафари

фан номзоди. Ўқитувчиларнинг асосий эътибори янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга қаратилган. Таълим муассасасида 9та йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Самарқанд давлат университетининг кафедре филиаллари ташкил этилиб, қатор ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари билан шартномалар тузилган. Ўқувчи-

лар назарий билимларни ўқув аудиторияларида эгаллашса, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш корхоналарида малакали педагоглар, етакчи мутахассислар кўмаги ва раҳбарлигида амалий машғулотларни, тажриба ишларини олиб боришади.

Бевосита коллеж ўқув-тажриба хўжалигига тўхталадиган бўлсак, у 23,4

Kasb-hunar kollejlarda

ишлатиш ва таъмирлаш" йўналиши бўйича ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун 19та техникага эга бўлган ўқув-техника саройи мавжуд. Улардан 11таси турли русумдаги тракторлар ва қишлоқ хўжалиги техникалари, 2таси юк автомобили ва

Битирувчи ўқувчилар битирув малакавий ишлари тадқиқотларини ҳам ўқув-тажриба хўжалигида олиб бормоқдалар. 2011-2012 ўқув йилида Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг 500 нафар битирувчисидан 474 нафар битирувчиси билан уч томонлама шарт-

Академик Абдимубди Султонхўжаев

Ўзбекистон илм-фани оғир жудодликка учради. Гидрогеология соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдимубди Нигмонович Султонхўжаев 84 ёшида вафот этди.

А.Султонхўжаев 1929 йили Тошкент шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институти аспирантурасида ўқишни давом эттирди. 1958 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз ҳаётини илм-фан ривожига бағишлаган истеъдодли олим қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология, Гидромуҳандислик геологи-



яси ва Сейсмология институтиларида катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари каби лавозимларда самарали меҳнат қилди ва табиий фанлар соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг назарий ва амалий тадқиқотлари, гидрогеология ва сейсмология фанлари соҳасидаги ўнлаб мақола ва рисоалари кенг илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 30 дан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

А.Султонхўжаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси фан арбоби фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Абдимубди Султонхўжаевнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедова,
Ш.Мирзиёев, Ш.Солиҳов

Ўқув-тажриба хўжалиги

малакали кичик мутахассислар тайёрлашда алоҳида ўрин тутди

гектарни ташкил этади. Асосий қисми боғ, узумзор, шунингдек, сабзалотлар етиштириш, чорва молларига ем-хашак тайёрлашда фойдаланилмоқда. "Ветеринария" ва "Сут маҳсулотларини қайта ишлаш" йўналишида таълим олаётган ўқувчилар учун чорва молларини сақлашга мўлжалланган чорвачилик кичик фермаси ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш мини цехи мавжуд. Бево-сита чорва ҳайвонлари касалликларига ташхис қўйиш ва даволаш машғулотлари ўқув-тажриба хўжалигида ўтказилади.

"Қишлоқ хўжалик ма-шина ва жиҳозларини

2таси енгил автомобил-дир.

"Ветеринария", "Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишла-тиш ва таъмирлаш" каби йўналишлар бўйича ўқув амалиётлари ўқув-тажриба хўжалигида ўтказил-моқда. Амалиёт даврида ўқув-тажриба хўжалигида етиштирилган маккажўхори, беда, галла ҳосили бухгалтерияга кирим қилиниб, коллежнинг ки-чик фермасига озуқа си-фатида топширилади. Сабзавот маҳсулотлари (пиёз, помидор, қарам, бодринг) ва ҳўл мевалар коллежнинг ўқувчилар ошхонасига заҳира сифа-тида кирим қилинади.

номалар тузилган бўлиб, 469 нафар битирувчи ўз шартномаси бўйича ишга жойлашди, 5 нафари олий таълим муассасала-рига ўқишга кирди.

Хуллас, битирувчи ўқувчиларимиз ўқув-тажриба хўжалигида олган амалий кўникмаларини ишлаб чиқаришга жорий этган ҳолда қишлоқ хўжа-лигида янги технология-ларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотларини етиштириш рентабеллигини ошириш устида тинимсиз излани-шапти.

С.БОЗОРОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директори

(Давоми. Боши 1-бетда)

Магистрлик диссертацияси қандай қисмлардан иборат бўлиши керак? Ҳар бир қисмда нималар ёритилиши зарур? Асосий қисм таркиби, тузилиши қандай бўлса, қоидаларга мос бўлади? Илова-лар қай тарзда берилгани маъқул? Ушбу саволларнинг жавоблари алоҳида талаблар бўлиб низомига киритилди ва бу орқали магистрлик диссертацияси устида иш олиб бораётган талабада тушунмовчиликлар пайдо бўлмастайлиги таъминланади.

Мутахассис фикрига қўшимча қилиб келтириб ўтиш мумкинки, магистрлик диссертацияси таркибида икки — ўқитиш тили ва инглиз тилидаги диссертациянинг қисқача аннотацияси бўлиши зарурлиги белгиланиши янги талаблар сирасига киради. Аннотацияда мавзунинг қисқача мазмун-моҳиятининг берилиши илмий ишнинг жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлайди. Эътиборлиси, диссертация талаба ўқиган тилда, бундан ташқари, кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилида ҳам ёзилиши мумкин. Чет тилида бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий ҳимоялар таржима билан ўтказилади. Аннотациянинг чет тилдаги варианты тақдим этилиши ва диссертациянинг чет тилларда ҳимоя қилиниши мумкинлиги, шубҳасиз, ёшларга ўз билимини намойиш этиши учун берилаётган яна бир имкониятдир. Ваҳоланки, чет тилларни ўқитишга қарантилаётган эътибор натижасида бугунги талабалар хорижий тилларни ҳам мукаммал ўзлаштирган ва бу борада акарият ҳолларда муаммоларга дуч келишмайди. Бу каби талаб ва тавсиялар илмий фаолиятини кейин ҳам давом эттирмаган, деган талаба учун машқ майдонини ярати беради, кейинчалик халқор миқёсдаги илмий анжуманларда чет тилларда маъруза тақдим этиши учун замин ҳозирлайди.

— Шу пайтгача магистрлик диссертацияси битта якуний давлат аттестациясида ҳимоя қилинган бўлса, ҳимоягача бўлган жараён илмий раҳбар ва кафедра мудирининг назоратида амалга оширилар эди, — дейди Барно Ражабов сўзини давом эттириб. — Янги мезонларга кўра, дастлабки ҳимоя деган тушунча киритилди. Яъни, асосий расмий ҳимоядан камда бир ой олдин дастлабки ҳимоядан ўтиб, ўша пайтнинг ўзида диссертация ҳақиқатдан муҳим, долзарб масалани ҳал этса олгани, яқунлангани, илмий талабларга жавоб бериши, расмийлаштириш нуқтаи назаридан тўғри амалга оширилгани аниқланади. Бу расмий ҳимояда муаммолар келиб чиқмаслигининг олдини олади. Бундан ташқари, магистрлик диссертациясини баҳолаш мезонлари ҳам ишлаб чиқилди. Шу кунгача якуний давлат аттестация-

си аъзолари талабанинг таълим дастурларини ўзлаштиришини яқунловчи ва ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ҳисобланган диссертацияни ўз тажрибаларига таяниб баҳолашган бўлса, эндиликда мавзунинг долзарблиги, муҳим-

тура талабасининг тақвимий иш режаси киритилганидир, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув ишлари бўйича проректори Бахтиёр Усмонов. — Энди магистратура талабаси ўқишга қабул қилинган биринчи кундан бoshлаб, магистрлик диссертациясини ҳимоя қилгунича бўлган даврини режалаштиради.

дқиқот ва малакавий амалиёт фаолиятини ўтказиш учун ташкилот (корхона, бўлини) билан шартнома тузади. Магистратура талабаси бутун ўқув даври мобайнида илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятини бевосита шартнома тузилган ишлаб чиқариш корхонаси билан яқиндан алоқа ўрнатган тарзда амалга оширади. Вақт нуқтаи назаридан кенгайган амалиёт талабаларнинг изланишу фаолиятининг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигида кўприк вазифасини ўтайди. Талаб ва вазибалар белгиланиши унинг ижросини назорат қилиши тақозо этади. Айтайлик, магистрлик диссертациясини тайёрлашдаги магистр фаолияти тартиби белгиланди. Шу кунгача изланишнинг қандай олиб борилаётганини, ишнинг неча фоизи бажарилганини назорат қилиш кафедралар мудирини ва илмий раҳбарга юкланган эди. Эндиликда ҳар йили бир марта олиб бориладиган мониторинг тузилмаси шакллантирилди. Талаба фаолиятининг самарадорлиги мониторинг 1-курсда иш режанинг мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши, иш режасидаги топшириқларнинг муддатида бажарилгани, талабанинг илмий мақола ёки тезис чоп этгани, талабанинг илмий семинарларда иштирок этиши ва фанларни ўзлаштириш даражасини назорат этса, 2-курсда

МАГИСТРАТУРА

янгича талаблар, такомиллашган жараён ва катта масъулият



лиги, илмийлиги, тажриба ва натижаларнинг аниқлиги ва ҳатто диссертация ҳимоя қилувчининг нутқиғача инобатга олинмайдиган маълум тизимда баҳоланади. Шунингдек, низомида магистрлик диссертацияларига тақриз ёзиш тартиблари, мажбуриятлари батафсил баён этилди. Тақризчиларнинг вазифалари ва тақриз ёзиш тартиблари ўрнатилишида ҳам талабанинг масъулиятини ошириш орқали илмий иш олиб бориш қирраларини шакллантириш мақсад этилган. Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади. Илмий раҳбар тақризи эса дастлабки ҳимоядан камда уч кун олдин берилади. Бу омиллар диссертацияда профессор-назар этика қоидаларининг бузилиш ҳолатлари (плагиат, маълумотларни сохташтириш ҳамда ёлгон цитата келтириш)нинг олдини олиш ва талабага манба билан ишлар тартибини ўргатишга хизмат қилади. Тақризчилар диссертациянинг долзарблиги, илмийлиги ва яқунланганлиги ҳақида хулосалар беришдан олдин талабани юқорида баён этилган салбий ҳолатларни туташишга йўналтиради. Илмнинг асоси, аслида, аниқлик ва янгиликдир. Диссертациянинг таркиби ва унинг мазмунига қўйиладиган талабларда мана шу нуқтаи назар кўзга ташланади.

— Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири ҳар бир магистрату-

ра талабанинг ўқиш ва изланиш самарадорлиги ортади. Талаба эртага нима иш қилиши, кейинги ҳафта ва кейинги ойдаги вазифалари нималардан иборатлиги, семестрлар якунида қўлга киритиши керак бўлган натижалари қандайлигини билади. Мақсаднинг аниқлиги — унинг яқинлигидир. Мана шундай иш режасининг мавжуд бўлиши ва унда асосий талаб ва вазифаларнинг кўрсатилиши уларнинг ҳеч бирини четлаб ўтолмасликка олиб келади. Албатта, бу режага вақти-вақти билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади. Магистратура битирувчиси илмий педагогик соҳада фаолиятини давом эттириши мумкин экан, шубҳасиз, у илгор педагогик технологияларни ўзлаштирган бўлиши, мутахассислик фанлари бўйича ўқув топшириқлар тўплами, масала ва топшириқлар тўплами ва кейслар ишлаб чиқа олиши зарур. Бу мезон ҳам низоми иловасида келтирилган талабанинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, педагогик ва малакавий амалиёт фаолияти бўйича тақвимий иш режасида белгиланган.

Ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида анча гапириш мумкин. Масалан, магистратурада тахсил олувчи талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам аниқлик киритилган. Малакавий амалиёт ҳам ўзгача шаклда олиб борилади. Тақвимий иш режада кўрсатилганидек, талаба магистратурага қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ расмийлаштирилгандан сўнг 1 ой мобайнида илмий-та-

юқоридагилардан ташқари диссертациянинг дастлабки ҳимоядан муваффақиятли ўтгани назорат қилинади. Ҳар бир мутахассисликка алоҳида эмас, балки бир таълим йўналиши негизда бўлган барча магистратура мутахассисликлари учун магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган битта кенгаш фаолият олиб боради.

— Ўқув жараёни, илмий ишни, амалиётни қай тартибда олиб боришимиз кераклиги борасида ҳеч қандай саволга ўрин қолмади, — дейди Тошкент давлат аграр университети магистранти Нарзулла Юнусов. — Мен бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича тахсил оламан. Шунинг баробарида "Фермер хўжалиқларида бюджетлаштиришни ташкил этиш" мавзусида илмий изланиш олиб бормоқдам. Таълим ва илмдаги мажбуриятларимиз ва вазифаларимиз иш режаси билан белгилангани, баъзи умумий жиҳатларга аниқлик киритилгани илмий ишимизнинг, олиб бораётган изланишларимизнинг янада салмоқли бўлишини таъминлайди. Талаб юқорилиги — натижа юқорилигини белгилайди. Айнисига, магистрлик диссертациясининг ҳам календарь режага кўра тайёрланиши ва натижаларимизнинг мониторинги олиб борилиши ишларнинг режали, чуқур, моҳиятан тугал бўлишига хизмат қилади. Бу тарзда тахсил олишимиз натижасида хоҳ илмда, хоҳ педагогикада ёки ишлаб чиқаришда бўлсин, намунали фаолият олиб бора оламиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг олий ўқув юртли билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз давлат университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти ва Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари, олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жорий йилда Термиз давлат университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ўртасида ҳамкорлик дастурининг қабул қилиниши юксак салоҳиятли ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Машғулотларни илгор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўтказиш учун қулай имконият яратилаётди.

Йиғилишда Термиз давлат университети билан вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофида муҳокама этилди, бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

❖ Олтиариқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида "Соғлом аёл маркази" иш бошлади.

Бу ерда хотин-қизларнинг маиший хизмат шохобчаларидан фойдаланиши, спорт машғулоти билан шугулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун қулайликлар яратилган.

— Хотин-қизларимизнинг уй-рўзгор юмушларини енгилаштириш билан бирга, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашувчи хизмат турларини кўпайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир, — дейди марказ раҳбари Манзураҳон Файзиматова. — Шу боис марказимизда опа-сингилларимиз учун етарли шароит ва имкониятлар яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу ерда гўзаллик саломи, келинлар либоси, фитобар, спорт тренажёрлари мижозларга хизмат кўрсатади. Шунингдек, турли касб-хунар сирларини ўрганиш учун ҳам тўғарақлар ташкил этилган.

❖ Жиззах вилоятида "Ёшлар тadbиркорлиги — Ватан тараққиётига" шиори остида ёш фермерлар форуми бўлиб ўтди.

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган мазкур тadbир вилоят фермерлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, банк ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги кўргазма намойиши билан бошланди. Tadbir доирасида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, фермерлар кенгаши, банк муассасалари раҳбар ва мутахассислари, тажрибали фермерлар билан ёшларнинг мулоқотлари бўлиб ўтди.

Анжуманда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, фермерликнинг ҳуқуқий асослари, банк кредитларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ёшларга атрофида тушунтириш берилди. Вилоятнинг Бахмал, Янгибод, Фаллаорол, Зомин ва Фориш туманларида интенсив бoғ яратишга киришган 70 нафардан зиёд ёш фермерларга банкнинг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

❖ Андижонда "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов доирасида милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ташаббуси ва кўмаги билан маҳалларда ташкил этилган кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган, шунингдек, хунарамандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Яқин натижаларга кўра, Хўжабод туманидаги 236-милиция таянч пункти голиб деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Tadbirда бошқа бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Тинчлигимиз ишончли қўлларда

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида байрам тadbiri бўлиб ўтди.

Tadbirда университет ректори У.Иноятов, "Чақириқча ҳарбий таълим" кафедраси бошлиғи, подполковник Б.Жўраев сўзга чиқиб, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда жисмоний маданият ва чақириқча ҳарбий таълим факультети фаолиятига батафсил тўхтади.

Олий ўқув юртида ҳар йили ўшбу йўналишда 130дан ортиқ бакалавр ва магистрлар тайёрланади. Ҳозирги кунда ўрта

махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишлаётган битирувчи-мутахассисларнинг сони мингдан ошиб кетди. Улар ёшларимизни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Талабалар ўз чиқишларида юрт тинчлиги йўлида бор билим ва салоҳиятини ишга солишга доим тайёр эканини намойиш этишди.

"Тинчлик ва осойишталигимиз ишончли қўлларда" мавзусидаги тadbir Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам ўтказилди.

Tadbir қатнашчилари "Ватанпарвар ёшлар — юрт таянчи", "Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг асосий вазифаси сифати(олий ҳарбий билим юртли мисолида)" ва "Миллий ҳавфсизлиқни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" каби мавзуларда маърузалар тинглашди.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри актёрлари томонидан тайёрланган бадий чизиқлар йиғилганларда катта таасирот қолдирилди.

Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган байрам тadbiri кўтаринки руҳда ўтказилди.

Tadbirда офицер кадрлар тайёрлашга қўшаётган ҳиссаси ҳамда машғулотлардаги фаоллиги учун бир гуруҳ педагог ва курсантларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари, ота-оналарга миннатдорлик мактублари топширилди.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар Ватан ҳимоячиларига доимий эътибор қаратилаётганидан мамнуният изҳор этишиб, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида янада шижоат кўрсатиб ишлаши ва матонатли посбон бўлишини алоҳида таъкидладилар.

Tadbir якунида мактаб бадий ҳаваскорлик тўғараги курсантлари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

Қ.МАТҚУРБОНОВ, А.УМАРКУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Синф раҳбарлари беллашди

Учтепа туманидаги 238-мактабда баркамол авлодни тарбиялаш, оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш, илгор синф раҳбарларини аниқлаш, иш тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши синф раҳбари" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Беллашув икки турдан иборат бўлиб, 1-турда иштирокчилар педагогика, психология ва миллий истиқлол ғояси фанига оид тест саволларига жавоб берди. 2-турда очик дарс-лар мақсад ва вазифани тўғри танлаш, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, янги педагогик технологиялардан оқилона

фойдаланиш каби мезонлар асосида баҳоланди.

— Бу каби кўрик-танловлар синф раҳбарлари малакасини ошириш, мактабда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда баркамол авлодни ҳар томонлама етуқ қилиб тарбиялашда катта ёрдам беради, — дейди мактаб директори Саодат Маликова.

Ё.БОБОЖОНОВ

Тўрт йўналишли танлов

Бухоро вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида "Ёш ижодкорлар танлови" ўтказилди. Иқтидорли ўқувчилар "Энг яхши шеър", "Энг яхши ҳикоя", "Энг яхши мақола" ва "Энг яхши суҳандор" йўналишларида ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати қатнашчиларнинг билим ва ижодкорлик салоҳиятини турли мавзудаги суҳбатлар, савол-жавоблар асосида синовдан ўтказди. Ўқувчилар ўз тенгдошларининг ижодий ишлари билан яқиндан танишишди.

— Бу танловни ташкил этишдан мақсад — дейди марказ директори Мавжуда Жамолова, — шаҳар ва туманларимиздаги истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш, клублар фаолиятини шакллантиришдир. Таниқли журналист, суҳандон, шоир ва ёзувчилар бу клубга жалб этилади. Улар ёрдамида ижодкор ўқувчиларнинг мақола, шеър ва ҳикоялари таҳлил қилиниб, саралари матбуотда чоп этилади. Шунингдек, иқтидорли ўқувчилар билан ижодий машғулотлар олиб борилади.

СОРА ТОШЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ёшлар — соғлом турмуш тарзи тарафдори

Пойтахтимиздаги 97-умумтаълим мактабида "Вояга етмаган қизлар ўртасида "оммавий маданият" иллатлари тарқалишининг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тошкент давлат юридик институти, Тошкент шаҳар педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган тadbirда ўқувчи-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, уларни оилага тайёрлашда ўқувчи ва синф раҳбарларининг роли, бу борада ота-оналар билан олиб бориладиган ҳамкорлик ишларининг аҳамияти ҳақида қизгин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Мактаб ўқитувчилари Камола Одилова ҳамда Сайёра Саъдиеванинг ташаббуси билан ташкил этилган "Ораста қизлар клуби" аъзолари бугунги куннинг долзарб мавзуларини саҳна кўринишлари орқали намойиш этишган бўлса, тиббий билимдонлик баҳсларида ёшлар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳамда ёшлиқда ўйланмай босилган қадамнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида янада кенроқ тушунчаларга эга бўлдилар.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



ТАРБИЯЧИ ВА ОТА-ОНА

уларнинг ўзаро муносабатида бола манфаати устувор бўлиши зарур

Хар бир ота-она фарзандини энг намунали, аҳоли орасида яхши ном қозонган мактабгача таълим муассасасига беришни, унинг махоратли педагог қўлида тарбия олишини хоҳлайди. Кувонар-лиси, бундай мақомдаги боғчалар мамлакатимизда кўп-кўп топилади. Ана шундай тарбия масканларидан бири — пойтахтимиздаги 552-МТМ тарбиячиси Маммура Мавлонова худуддаги 104-мактабга ўтган ўқув йилида тарбияланувчиларини кузатиб. Педагог шу билан ишим тугади демади, аксинча, биринчи синфда ўқишни бошлаган собиқ тарбияланувчиларининг таълимидан мунтазам хабардор бўлиб турди. Олайлик, бошланғич синф ўқитувчиси Илмира Ҳасанова билан ҳамкорликда 1-синфда ўқиётган болаларнинг ўзига хос характер-хусусияти, қизиқишлари ҳақида ахборот алмашиб, ҳамкорлик қилди. Хар бир ўқувчи ҳақида батафсил маълумотга эга бўлинганлиги учун шу синфдаги ўқувчиларнинг мослашув жараёни ҳам осон кечди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу каби ҳамкорлик соғлом муҳит барқарор бўлган муассасадагина шаклланади. Ўз навбатида, бундай шартларда педагоглар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келиб, янги-янги тажрибалар юзга чиқади. Аммо боғчада соғлом муҳитни қарор топтириш ўз-ўзиндан бўлмайди. Бу бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, ходимлар билан раҳбар ўртасидаги, ота-она билан тарбиячи, болалар билан педагог ҳамда тарбиячи муносабатлари оқилона йўлга қўйилган муассасагина шундай ютуқларни кўлга кирита олади. Зеро, болалар тарбиясидек нозик ва машаққатли вазифага масъул бўлган жамоада аҳиллик, иноқлик, дўстона муҳит бўлсагина, таълим-тарбия ишида самара кўза ташланади. Мазкур мақоламизда мактабгача таълим муассасасида соғлом муҳитни барқарор таъминлашда нима-ларга эътибор қаратилиши зарурлиги хусусида фикр юритамиз.

Болани боғчага жойлаш "муаммоси"

Келинг, биринчи қадамни болани боғчага жойлаш "муаммоси"ни ҳал қилишдан бошлаймиз. Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандини боғчага жойлаштиришда бир қатор қаршиликларга учрашига гувоҳ бўламиз. Дейлик, бириша фарзандини боғчага бериш учун келди. У бу муассасани энг яхши боғча деб билади. Бироқ боғчада жой йўқлиги сабаб, (бу ҳолат деярли барча шаҳар боғчаларига хос жиҳат) мудира уларни ноумид қайтаради. Бундай вазият бир боланинг боғчага бормасдан, тўғридан-тўғри мактабга чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу ҳолатда ҳақиқатан ҳам боғчада болалар ўрни тўлган бўлиши, яна қўшимча тарбияланувчи олишга имкон бўлмаслиги мумкин. Бироқ оstonадаги бола етаклаб келган ота-онага самимий муносабатда бўлиб, унга асқотадиган бошқа маслаҳатлар беришига мудира ҳафсала қилса, илмич истагидагиларнинг боғчага меҳри, талаби янада ошиши тайин. Албатта, бу каби вазиятлар муассаса раҳбаридан

сизлик пайдо бўлади. Бу боғча мавқега ҳам путур еткази-ди.

Хар ким ўзини ҳақ ҳисоблайди...

Айрим боғчаларда шундай ҳолат ҳам учраб туради: тарбияланувчилар ота-оналарига боғча опаларидан шикоят қилишади. Шунда ота-она боғча опага ёки мудирага норозилигини билдиради. Бундай вазиятда қандай йўл тутган маъқул? Пойтахтдаги 442-мактабгача таълим муассасаси психологи Дилюром Рашидова шундай дейди:

— Агарда мудирага болаларга ҳаддан зиёд қаттиққўллик қилаётган тарбиячи устидан шикоят қилинса, унинг илдизини чуқурроқдан излаш керак. Олайлик, тарбиячининг йўлда бирор муаммоси бордирки, у тарбияланувчиларга қаттиқроқ гапиратганди. Бу бироз нозикроқ масала бўлгани учун,

Мактабгача та'лим муассасаларида

бундай вазиятда раҳбарнинг муассасадаги ходимлар ҳолидан аввалдан хабардорлиги мумкин ўрин тугади. Бунинг учун "Шахсий тавсифнома" усулидан фойдаланган ҳолда, хизматчилар тўғрисида батафсил маълумотлар банкни яратиб, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар устида алоҳида иш олиб бориш керак. Шундай экан, мудира хар бир ходимни қийнаётган масалалардан воқиф бўлиши керак. Инсон руҳияти шундай мураккабки, оиласи тинч бўлмаган мутахасссининг ишда ҳам хотиржамлиги бўлмайди. Шу сабаб, мудира таълимий-ташқиллий ишлардан ортиб, ходимлар билан алоҳида гаплашишга, уларнинг "дардини" тинглашга вақт топса, муассасада соғлом муҳит барқарор бўлади.

— Муассасада барқарор муҳитни шакллантириш учун ҳаётий тажрибаларга таяниш яхши самара беради, — дейди Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 21-давлат махсус мактабгача таълим муассасаси мудираси Соҳиба Аҳмедова. — Аммо муассасамизда айрим ҳолларда ота-она ва тарбиячи ўртасидаги баъзи тушунмовчиликлар учраб туриши ҳам табиий. Бундай ҳолларда ушбу муаммонни ҳал қилишга бўлган ёндашув мумкин аҳамият касб этади. Агар жамоада шундай воқеа содир бўлса, тарбиячи ва ота-она билан биргаликда юзма-юз гаплашиш керак. Табиийки, уларнинг иккалasi ҳам ўзларини ҳақ ҳисоблашади. Агар ота-онанинг ёнени олсангиз, тарбиячи норози бўлади. Ходим томондан масалага ёндашсангиз ота-онанинг ҳафсасани пур бўлиб, бошқа муассасани танлашга қарор қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Шунда тарбиячи билан олдиндан гаплашган ҳолда, бола ва унинг оила-сидагиларга боғча томонидан салбий муносабатда бўлиш мумкин эмаслигини тушунтириб, зиддиятчи ҳолатдан фақатгина яхши гап ва кечирим сўраш билан чиқиб кетиш ло-

зимлигини айтиш мумкин. Биргаликда суҳбат қилинганда эса ота-онанинг ҳақлигини, бироқ бундай ноўрин муносабатлар болада боғчага нисбатан салбий қарашларни шакллантириши мумкинлигини айтганимизда, яъни фарзандининг фойдасини кўзлаб ҳаракат қилаётганимизни кўрганда улар "юмшайди". Мавриди билан тарбиячининг узр сўраши ҳам ота-онани шаштидан қайтаради ва ҳатто болада боғча опага, гуруҳдагиларга нисбатан ижобий қарашларни шакллантиришга кўмаклашади ҳам.

Ота-оналар, болаларнинг муассасага нисбатан ижобий қарашларини қарор топтириш мақсадида бир қанча янги методикалар яратилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти Қўшқўпир туманидаги 36-МТМ-да соф миллий руҳдаги — ўсма орқали меҳр уйғотиш методикаси йўлга қўйилган. Унга кўра боғча ҳовлисига ўсма экилиб, эрта тонгда югуртилмаб келган кизалоқлар қошларига тарбиячи ўсма суради. Меҳр билан юз-сочларини силаб, болалари "суғорилган" болаларнинг қалби ҳам нур билан, илиқлик билан "суғорилади". Бундай ёқимли манзарани кўрган ота-онанинг ҳам педагогга ва боғчага нисбатан хурмати ортади. Амалиётда исботини топган бу усул ҳозир бутун вилоят бўйлаб қанот ёзгани бежиз эмас.

Асосий ҳалқа

Кўринадикки, муассаса ходимларининг ота-оналар билан ўзаро муносабатларини мунтазам ўрганиб бориш керак. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази мутахассиси Мавлуда Рустамова бу борада шундай дейди:

— Муассасада ота-оналар учун бутун фаолиятнинг шаффолигини таъминлаш ҳам муносабатларни самимийлаштириб, муаммолар пайдо бўлишининг олдини олади. Бунинг учун МТМ маъмурияти ота-оналар билан мунтазам хабардор қилиб, янгиликлардан воқиф этиб бориши, машғулотларга уларни қаққириб туриши ҳам ўзаро ҳамкорликини мустаҳкамлайди. Мисол учун боғчаларда ўтказиладиган "Очиқ эшиклар кунини"га келганларнинг асосий қисмида МТМ ҳақидаги фикрлар ўзгаради. Бу ерда болалар фақатгина ўйнаб кун ўтказмаслигига амин бўлишга.

— Бунинг учун суҳбат, мунозара, кузатиш, таҳлил усулларидан фойдаланаман, — дейди Соҳиба Аҳмедова. — Ҳафтасига 3-4 марта ота-оналар билан учрашиб, улардаги қайғи, муносабатни билиш учун эрталабчи соатларда ташқарида тураман: улар билан саломлашиб, самимий суҳбатлашга ҳаракат қиламан. Гап орасида фарзанди тарбияланиётган гуруҳ шариоти ва тарбиячи, логопед, дефектологларнинг фаолиятдан кўн-

лингиз тўлаяптими, деб сўрайман. Шундай кунларнинг бирида касалхонада ҳамширалик қиладиган она ишдан кеч келгани учун тарбиячи унга бироз қўполлик қилганини айтиб, арз қилди.

Албатта, бу ўринда тарбиячи ҳам, она ҳам ҳақ. Агар тарбиячини бу борада айбласак, хафа бўлиши ва мендан кўра онанинг манфаатини устун қўйди, дейиши мумкинлигини ўйлади. Шу кун кечки соатини ташкил этишини кузатиш учун гуруҳга кирдим. Таҳлил пайтида тарбиячидан "Гуруҳингизда фарзандини кеч оладиганлар борми?" деб сўрадим. У тўлиб-тошиб даярли хар кун кеч қолиб келадиган юқоридаги она ҳақида гапирма кетди. "Болани онаси ўз вақтидан кечикмай олиб кетиши учун нима қилдингиз?", деб сўраганимда, бўлиб ўтган "суҳбатни", тўғрироғи жанжал тафсилотини айтиб берди. Тарбиячи онага "Мен кеч қолишингиз оқибатида уйимга кеч бораёпман, натижада рўзғоримдаги ишларимга улгурмадим" деган, она ҳам "Нима қилай, мен ҳам ишдан келин устига ишим инсонлар соғлиғи билан боғлиқ" дея ўз муаммоларини ўйлашган, бола шахси иккинчи ўринга тушиб қолган. Албатта, кеч қолган онанинг бўлган йўл туттиши, аввало, болага таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, боғчада бир ўзи қолган қичкинтойда ўқиб, хавотирга тушиб, руҳиятида салбий ўзгаришлар юзга келиши мумкинлигини айтиб, суҳбат мавзусини "бола шахсига" йўналтиришни маслаҳат бердим.

Тарбиячи ва онанинг кўнглини оғритмай, муроасага келтиришга эришим. Агар бундай вазиятга эришмас бир кундалик ҳодиса сифатида қараганимда, бу муаммо бошқасини етаклаб келарди. Низолар кўпайиб, муассасадаги ўзаро муносабатларга путур етиб, ота-оналарнинг тарбиячиларга ишончи йўқолиши мумкин эди.

Ҳақиқатан ҳам боғчадаги тизимли муносабатлар занжирини бола асосий ҳалқа эканлигини, унинг атрофидаги ҳамкорлик ва хатти-ҳаракатларнинг барчаси кичик шахсининг тўлақонли ривожланишига хизмат қилиши лозимлигини унутмаслигимиз шарт. Айни мақсадда мактабгача таълим муассасаларида ҳаваф қилгулик ижодий муҳит мунтазам барқарор бўлиши юзасидан тажрибаларни келтирган ҳолда, туркум мақолалар тайёрлашни ният қилдик. Зеро, бошқарувдек масъулиятли, кўпқиррали ва синchkovlik талаб қилдиган вазифани эндигина бошлаган ёш мудиралар боғчадаги соғлом муҳит истиқболини олдиндан белгилай олсин. Бу борада эса кўп йиллик иш стажига эга МТМ раҳбарлари тажрибасига таянамиз. Улардан боғча муҳитини яратиш бўйича олиб бораётган ишлари баён қилинган материаллар кутиб қоламиз.

Насиба ЭРХОНОВА

НОАЪНАВИЙ ЎЙИНЛАР

Эгалланган билимларни мустахкамлайди

Одатда тарих фанидан такрорлаш ва умумлаштириш дарслари савол-жавоб, ёзма топшириқлар тарзида ўтади. Холбуки, ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустахкамлашга доир бу каби анъанавий усуллар кўпам ўзини оқламайди. Шу боис бир қанча ноанъанавий ўйинлар ишлаб чиқдикки, айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

"Ким зукко?" ўйини дарс охирида, бирор бўлим тугалланганда баҳолаш, такрорлаш, мустахкамлаш, ўзаро беллашишга мўлжалланган. Бунда ўқувчилар аниқ хатосиз жавоб беришга, тезда тўғри қарор қабул қилишга ўрганади.

Керакли жиҳозлар: саволлар бланкаси, эстафета таёқчаси (байроқчадан фойдаланиш ҳам мумкин), ўқувчиларни гуруҳларга ажратувчи рақамли қоғоз, қайси гуруҳнинг ўйинни бошлашини аниқловчи бирор предмет. Ўтказиш қоидаси: дастлаб ўқувчилар икки жамоага бўлинади ва куйидаги кўринишда жойлаштирилади.

Ўйин парта охиридан бошланади. Ким биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Ўқитувчи дастлабки саволни беради. Илк иштирокчи тўғри жавоб қайтара олса, қўлидаги эстафета таёқча (байроқча)сини шеригига кўрсатилган схема бўйича узатади. Агар жавоб беролмаса, ўзида қолади.

Шундан сўнг ўқитувчи рақиб жамоанинг биринчи иштирокчисига савол беради. Жавоб тўғри бўлса, эстафета таёқчаси кейинги ўқувчига узатилади. Шу тариқа қўлдан қўлга ўтиб боради. Қоидани бузмасдан, саволларга аниқ ва тез жавоб бериб, эстафета таёқчасини ўқитувчига биринчи бўлиб етказган жамоа ғолиб бўлади. Муаллим ўқувчиларнинг иштирокини кузатиб, дарс сўнигида баҳолайди.

"Биргаликда иштирок этамиз!" ўйини орқали ҳам ўқувчиларнинг такрорлаш ва мустахкамлаш дарсларидаги фаоллигини ошириш, ҳамкорликда ишлашга ўргатиш мумкин.

Ўйинда барчанинг иштироки таъминланади, яъни ҳар бир ўқувчи ҳам индивидуал, ҳам жуфтликларда ишлашга ҳаракат қилади. Мазкур ўйиндан икки хил усулда фойдаланиш мумкин: **биринчи усулда** ўрганилган мавзулар, бўлим ёки

бобга доир материаллардан ўқитувчи савол-жавоб учун фойдаланади. Бунда кетма-кетлик ва изчилик сақлаб қолиниши керак. **Иккинчи усулда** эса ўрганилган мавзулар, бўлим ёки боб бўйича қисман маълумот берилиб, тарихий воқеликнинг давомини мустақил равишда баён этиш сўралади.

Биринчи усулда ўқитувчи кетма-кетлик асосида тузилган саволларни навбати билан ўқиб бораверади. Дастлабки саволга жавоб берган ўқувчи гуруҳдаги биринчи, қолган ўқувчилар эса навбатдаги ўринларни эгаллайди.

Иккинчи усулда эса ўқитувчи бошлаган воқеани давом эттириш ёки тугаллаш ўқувчиларнинг вазифаси ҳисобланади. **Қоида**га кўра, агар иштирокчи воқеликни баён этиш ёки саволларга жавоб бериш жараёнида бошқалар айтган фикрларни такрорласа, ўйиндан четлатилади.

Тарих фанидан умумлаштириш ва такрорлаш дарсларида хилма-хил ўйинлардан фойдаланиш имконияти юқори бўлиб, ўқувчиларнинг тарихий материалларни катта қизиқиш билан чуқур эгаллашига хизмат қилади.

А. ИСМОИЛОВ,
ТДПУ стажёр-тадқиқотчиси

АЙЛАНА СТОЛ АТРОФИДА

Айлана стол юқори синфлар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу метод кичик гуруҳларда ўтиладиган дарсларда ўқувчиларнинг мавзунини осон ўзлаштиришига ёрдам беради. Давра столи атрофида олти нафардан ўн икки нафаргача ўқувчи ўтириши мумкин.

Юмалоқ стол услуби чорак айлана (1-расм) шаклидаги тўрт столдан иборат бўлади. Ўқитувчи ўртада ўтириб дарс ўтади. Агар унинг ўриндиғи айланадагидек бўлса, янада қулайлик туғилади. (2-расм).

Бунинг афзаллиги:
— ўқувчи ва ўқитувчи дарс охиригача фаол ҳаракатда бўлади;

— ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғулланишга шароит туғилади;

— ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи ўз устида ишлаб, дарсга пухта тайёрлик кўриб келади;

— дарс давомида ўқувчилар хонада эркин ҳаракат қила олишади;

— вақтдан унумли фойдаланилади ва машғулот самарадорлиги ошади. Айлана столнинг бироз ноқулайлиги ҳам бор. Масалан, ўқувчиларнинг дафтарлари ўқитувчига тескари бўлиб қолади. Ўрнидан туриб ёки эгилган ҳолда топшириқлар беришга мажбур бўлади.

Дарс мобайнида кўргазмаларни курашларни олиш, алмаштириш ёки доскага ёзиш зарурати туғилганда ўқувчилар ёрдамидан фойдаланишига тўғри келади. Стол атрофида ўқувчилар сони 10—12 нафардан ошса, назорат қилиши қийинлашади. Юмалоқ стол жойидан силжитилиб, сатҳи катталаштирилса ($d=2800$ дан ошиб кетади), ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги масофа узоклашади. Шунинг учун, бу тажрибани аниқ фанлардаги амалий машғулотларда ёки чет тили дарсларида қўллаш мумкин.

Албатта, ўқитишнинг бу усулини мукамал дея олмаймиз. Шу боис мамлакатимиздаги педагоглар, ўқитувчилар ўз жамоаларида кенг муҳокама қилиб, хулосалар беришади, деган умиддамиз. Бу каби изланишлар натижасида янги, ўзбекона педтехнологиялардан бири вужудга келса, ажаб эмас.

А. МАХАТОВ,
Хатирчи туманидаги 68-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси
М. ҚУРБОНОВ,
Навоий вилояти ПКҚТМОИ катта ўқитувчиси



САНЪАТ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда ўғил-қизларнинг ҳар томонлама barkamol бўлиб вояга етиши, эзгуликка хизмат қилувчи musiqa ва санъат сирларини пухта эгаллаши, ўз ижодий салоҳияти ва иқтидорини намойён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар musiqa ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида" ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Қарор ва ijro



Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Нукус шаҳридаги 12-сонли болалар musiqa ва санъат мактаби замонавий бинога эга бўлди. Musiqaий таълим бериш учун барча қулайликлар яратилган санъат масканида 310 ўқувчи малакали ўқитувчи-педагоглардан сабоқ олмоқда.

Бу ерда фортепьяно, баян-аккордеон, торли ва халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик, эстрада, хореография, театр, тасвирий санъат йўналишларида машғулотлар йўлга қўйилган. Муассаса раҳбари Йўлдошбой Турдимуродовнинг айтишича, мактаб тарбияланувчилари орасида мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларнинг ғолиб ва совриндорлари кўпчиликини ташкил этади. "Янги авлод-2012" болалар ижодиёти фестивалининг якунловчи босқичида ушбу мактаб ўқувчилари Қамалбой Алимбоев ва Асадбек Султонов лауреат бўлгани бунга бир мисолдир.

Суратларда: ўқитувчи Роза Калилаева ўқувчиси Илхом Жумабоев билан машғулотда; мактаб ўқувчиси Даря Тен.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (Ўза) олган суратлар.

ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ

табиат ва жамият ҳақида яхлит билимларни вужудга келтириш сари

Дунё олимлари илм-фан ривожини янада юқори даражага кўтариш йўлида изланишлар олиб бораётир. Бунда фанлар дифференцияси, яъни яхлит фанларни қисмларга бўлиб ўрганиш ортада қолиб, синтез босқичи — алоҳида-алоҳида фанлар, баъзан бир-бирига боғлиқ бўлмаган фрагментлардан яхлит билимларни вужудга келтириш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. В.Буанов "Синергетика тамойили ва инкирозни бошқариш" мақоласида "Келаётган аср — фанлараро тадқиқотлар асри", деб ёзган эди ҳамда табиат ва жамият тўғрисидаги фанларнинг интеграцияси натижасида ягона фанни ҳосил қилиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутган.

Профессор О.Кувондиқов, доцент Ш.Кувондиқовнинг "Ma'rifat" газетаси(2012 йил 22 сентябрь, 3, 13 октябрдаги сонлари)да чоп этилган "Фанлараро интеграция ёхуд унинг таълим тизимидаги ўзига хос ўрни" мақоласи шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Унда табиат ҳодисалари, фан-техника ва ишлаб чиқариш, хусусий фанлар интеграцияси ва юқори малакали кадрлар тайёрлашда унинг ўрни кенг ёритилиб берилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа меъёрий ҳужжатларда таълим тизимининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш билан бирга таълим мазмунини интеграциялашга катта эътибор берилгани бежиз эмас. Бунини амалга ошириш учун дастлабки босқич сифатида умумий ўрта таълим тизимида (VII синфларда) физика, кимё, биология, география ва иқтисодий билим асосларини бирлаштирган интеграл курслар жорий этиш ва бундай фанлардан дарс бера оладиган педагог кадрлар тайёрлаш йўллари ахтариш лозим. Албатта, бунда педагог кадрлар тайёрланадиган олий ўқув юртлири учун интеграл курслар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш керак бўлади.


Шу ўринда кейинги йилларда республикамизнинг олий ўқув юртлири гуманитар, жамиятшунослик, санъат таълим йўналишларига киритилган физика, кимё ва биология фанлари интеграциясини ўзда мужассамлаштирган "Замонавий табиий фанлар концепцияси" фанига бўлган эътибор, бу фан бўйича республикамизда етарли даражада дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан,

сусайиб кетаётганини, айрим таълим йўналишларида бу фанга ажратилган ўқув соатларининг кескин камайиб кетганини, баъзи йўналишларда умуман олиб ташланганини таъкидлаш лозим. Кўп йиллик дарс бериш амалиёtimиз шунини кўрсатадики, дизайн, санъат йўналишларидаги талабаларнинг бу фанга қизиқини бениҳоя катта.

Aks sado

Мақолада кейинги йўналишларда дунё иқтисодида рўй берган мураккаб жараёнларнинг келиб чиқиш сабаблари табиий фанлар қонунлари орқали ўрганилаётгани келтирилган. Худди шундай, М.Беляев "Милогия" (2000) асарига физикада микродунё жараёнларида қўлланиладиган Фейнман диаграммалари орқали пул-товар муносабатларини тушунтириб берган.

Элементар заррачаларнинг бир-бирига айланиш жараёни Фейнман диаграммаларида қуйидагича келтирилади.



Бу ерда e^+ — позитрон, e^- — электрон, γ — гамма квант, — мусбат мезон, μ^- — манфий мезон.

М.Беляев мазкур диаграммани дунё иқтисодида қўллаб, қуйидаги пул ва товарнинг бир-бирига айланиш жараёни занжирини беради.

$$\frac{\text{товар}}{\text{пул}} = \frac{\text{пул}^*}{\text{товар}^*} = \frac{\text{товар}}{\text{пул}} = \frac{\text{пул}^*}{\text{товар}^*} = \dots$$

Бу занжирда бир хил товарнинг (товар) бошқасига (товар*) айланишида пул товарнинг таннархи ўлчами экани кўрсатилган.

Мақолада физика ва иқтисодиёт тушунчалари, термодинамик ва иқтисодий катталиклар ўртасидаги ўхшашликлар, айниқса, молия бозори ва қаттиқ жисмлар объектлари ва субъектлари орасидаги ўхшашликлар кенг қўламда келтирилган бўлиб, бу ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотгани табиий.

Хулоса қилиб айтганда, фанлараро интеграл курслар яратиш ҳамда бу фанлардан умумий ўрта, ўрта махсус таълим тизимида дарс бера оладиган ўқитувчилар, хусусан, физик-иқтисодчиларни тайёрлаш ҳозирги даврнинг муҳим масаласидир.

У.ЎСАРОВ,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти, физика-математика фанлари номзоди

Шахс маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир. Яъни, унинг дунёқарши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалари айнан жамиятнинг бош бўғинида илдииз отади ва шу орқали халқ маънавияти мужассамлашиб, кўп асрлик анъаналар авлоддан-авлодга етказилади.

Афсуски, глобаллашув гармсели инсониятнинг муқаддас кўрғонига ҳам раҳна солишга интилмоқда. Оилани ортиқча муаммо деб тушунтирадиган, ёшлар орасида енгил ҳаётни тарғиб этаётган турли ахборий хуружлар кўплаб топилади. Қачонки оила ўз моҳиятини йўқотса, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик каби иллатларнинг кенг ёйилишига имкон туғилади. Бугун бунини гарбча ҳаёт тарзи мисолида яққол кўриш мумкин. Шунинг учун

лиши мумкин бўлган синовфаларни муваффақият билан бартараф этиш кўникмалари шакллантириб борилади.

1-босқичда ўқувчиларга "Эстетика асослари", "Маънавият асослари" каби фанлар ўқитилади. Бевоқифа мазкур фанлар доирасидаги билимларга асосланган "Шарқона оила" ўқув курси 2-босқичда ўрганилади. Курс давомида ўзлаштирилган оила, Шарқ ва Ғарб оиласи ўртасида тафовут, Шарқ оилаларининг ўзига хос этнопсихологик жиҳатлари каби тушунчалар 3-босқичда "Оила психологияси" фанини ўрганишида муҳим аҳамият касб этади.

Дастур ва ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари ўқувчиларга Осиё, Марказий Осиё, жумладан, ўзбек оилалари-

Jarayon

"ШАРҚОНА ОИЛА"

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида киритилган ушбу янги ўқув курси ўқувчиларнинг маънавий тарбиясини юксалтириб, миллий ўзлиқни англашга кўмаклашади

ҳам ўта тезкор, турли мафкуравий таҳдидларга бой даврда ўқувчи-ёшларимизга оиланинг мазмун-моҳиятини, унинг муқаддас маскан эканини чуқур англаштириш, уларда миллий қадриятларга ижобий ва тўғри муносабатни шакллантириш долзарб масалага айланган.

Айни шу мақсадга қаратилган "Шарқона оила" ўқув курсини 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш йўлга қўйилди. Ўқувлар Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда тузилган дастур ва дастурга мос тайёрланган қўлланма асосида олиб борилади.

Аслида, шарқона оилада тарбияланган фарзандлар қатъиятли, матонатли, мақсадга интилувчан, масъулиятли ва ўзига талабчан, меҳнатсевар, инсонпарварлиги билан ажралиб туради. Курс давомида ўқувчи-ёшларда шарқона оила тўғрисида объектив тасаввур пайдо қилиниб, келажақдаги оилавий турмушлари давомида юзага ке-

нинг этнопсихологик хусусиятлари, тарихий тараққиёти, оиланинг бугунги кундаги замонавий қиёфасида миллий ўзига хосликнинг ўрни ва кўринишини мужассамлаштирган ҳолда ўргатишни маъқул деб топди.

Ўқитиш тажрибасида дарсларни замон талабларига мувофиқ инновацион технологиялар асосида ташкил этишга эътибор қаратилди. "Ақлий ҳужум", "Ролли ўйинлар", "Мунозара", "Синквейн", "Кластер", "Б-Б-Б", "Венн диаграммаси", "Т-чизма", "Кейс", "Пинборд", "Лойиҳа" сингари усуллар шулар жумласидан. Масалан, ўқув курсининг "Шарқона оила-никоҳ муносабатлари" мавзусини ўқитишда "Лойиҳа" ва "Кейс" усулларида кенг фойдаланиш мумкин. Бунда лойиҳа технологиясининг шартини — ўқувчиларни мавзу бўйича гуруҳларга ажратиш, таллаб олинган воқеа ва ҳодисаларнинг изчиллиги ҳамда гуруҳ вакиллари ўз тақдиротларида кетма-кетликка амал қилиши лозим.

Химояда материаллар қуйидаги кетма-кетликда тақдим этилади

Мавзу	Шарқона оила-никоҳ муносабатлари
1-гуруҳ вазифаси: оила қуриш (никоҳ) ёши	
2- гуруҳ вазифаси: никоҳ ёшининг оила мустаҳкамлигига таъсири	
3- гуруҳ вазифаси: ёш турмуш қуришининг оқибатлари	
4-гуруҳ вазифаси: оила қуришга тайёрлик мезонлари	

Муаммоли вазиятни ўрганиш жадвали

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммоли вазиятдан чиқиш йўллари
Қизларни эрта турмушга беришнинг оқибатлари		

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, "Шарқона оила" ўқув курси ўқувчиларнинг маънавий тарбияси ва миллий ўзлиқини англашига қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Феруза СИНДАРОВА,
Сергели политехника касб-хунар коллежи ўқитувчиси, касб-хунар таълими аълочилиси

XXI asr — mafkuraviy kurashlar asri. Mafkuraviy tahdidlar bugun yanigina kiyfalarda namoён бўлмоқдаки, уларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини теранроқ англаш ўз келажаги ҳақида қайғурган ҳар қандай давлат ва халқнинг олдида долзарб вазифа бўлиб турибди. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий-маънавий аъналарига асосланмаган, инсоний ахлоққа терс ҳаёт тарзига чақирувчи "оммавий маданият" кутқуси ана шундай мафкурaviy таҳдидларнинг асосий куралига айланди. Ачинарлиси, кўпчилик бу хилдаги "маданият" таъсирига берилиб қолганини, бошқачароқ айтганда, қурбонига айланганини сеза-вермайди.

"Оммавий маданият" — оломонча маданият

Заррача бадий қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш, тагига қисқа лўқмалар билан ҳаёсий матбаа-расм маҳсулотлари, эҳтиросларга берилувчан шоу-бизнес вакилларини асосий қўлқарга кўтариш, тўсатдан уюштириладиган "кескин" томошаларни ўтказиш "оммавий маданият"нинг ёшларни ўзига оҳаррабодек тортаётган кўринишларидир.

Ҳозир жаҳон медиа бозорининг асосий қисмини Фарб телевизион дастур ва шоулари эгаллаган. Улардаги жазавали мусикалар, маъносиз ва тумтароқ қўшиқлар қилларни ўзига маҳлиё қилиб, енгил-елпилик домига тортмоқда. Айрим ўсмирлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ана шундай зарарли дастурлар таъсирида яшаштилар. Бу эса уларнинг ўқишига, илм-маърифатли бўлишига ва касб-хунар эгаллашига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар, уларда эс эттирилган маъносиз сўзлар ҳамда ёвузликча чорловчи суратлар ёшлар онги ва психологиясига очикча таҳдиддир. Масалан, кийимдаги "killer" (қотил), "danger" (даҳшат) "kiss me" (мени ўп) каби сўз ва иборалар ҳамда шу сўзлар маъносини ифода этувчи тасвирлар ёш қалбларга

да гўёки "яйраб" қолишга чақиради. Фақатгина ўз қобигига ўралиб, умуминсоний қадриятларини тан олмай яшаётган инсон эса алаҳ-оқибат манқуртга айланади, маънавий олами таназзулга юз тутати.

Муаммонинг ечими қаерда?

Халқимизнинг миллий маънавияти, оилаларимизда амал қилинадиган тар-

тиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Оилада эр мавқеининг баландлиги, аёл ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эгаллиги, фарзандларнинг ота-онани ҳурмат қилиши... Ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни кўз қорачиғидек асрашимиз ва янада сайқаллашимиз лозим. Айниқса, шиддат билан ўзгараётган, бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бораётган ҳозирги замонда ушбу талаб ҳар доимидан-да долзарб.

Муҳтарам Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига ҳозирги вақтда ахлоқсизликини маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳавф солаётганини ва бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалаётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Бунинг учун, аввало, ахборот хавфсизлигини таъминлаш лозим. Хорижий телеканалларда нима намо-

ларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалиги эришиш мумкин.

— Ислоҳ дини руҳий-маънавий комилликка давват этувчи дин ўлароқ но-зил бўлган ва, аввало, шу йўлдаги энг хавфли ғаним — нафсга қарши кураш руҳи билан йўғрилган. "Оммавий маданият" эса одамларда исғъомолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга салбий қувват беришдан ўзга нарса эмас, — дейди Шайх Абдулазиз Мансур. — Шу жиҳатдан исломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак, сира янглишмаган бўлаемиз. Асосан, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" турфа воситалар билан инсон ақлини зойил этиб, кишида нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-эътиқодига боғлиқ бўлганидек, гўё ҳарир пардадаги "маданият" томига тушган ёки ундан сақлиниб қолган ҳам қўл-қўлининг ўзига боғлиқдир. Бунинг учун ҳар бир инсон "тазқият ул нафс", яъни нафсини поклаш билан машғул бўлмоғи лозим.

Жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисоб-

Dolzarb mavzu

ланган оила мустаҳкамлиги никоҳ орқали юзага келиб, умуминсоний қадриятларга асосланади. Бу қоидага неча асрлардан буён ота-боболаримиз риоя этиб келмоқда. Шундагина оилада барқарорлик ва соғлом муҳит ҳукм суради. Бу эса жамият ва давлат тараққиётига асос бўлиши билан бирга, комил фарзанд тарбиясида энг муҳим омилдир.

Албатта, келажагимиз ворислари дунё фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмаслиги керак. Бироқ чет эл зиёлиларининг ўзи "ўз муаммоси" сифатида баҳолаётган "оммавий маданият"нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

"Огоҳлик" сўзининг маъносини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, янада кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни, бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар қалбини, руҳиятини, ақлидроки ва умуман маънавиятини жаҳонда юз бераётган ошқора ва яширин мафкурaviy таҳдидларнинг хатарларидан муҳофаза қилишни ҳам кўзда тутати.

Кимдаки, она-Ватанини севиш туйғуси кучли ва имон-эътиқод мустаҳкам бўлса, ўз ўтмишини ҳурматлаб, яхши билса, "оммавий маданият" тузоғига тушиб қолмайди. Бунинг учун оилада ота-оналар фарзандлари билан миллий мусикаларинимизни эшитишса, биргалликда китоб ўқишса, уларни турли спорт тўғрақларига жалб этишса, ёшлар жамиятини ривожлантирувчи, уни гуллаб-яшнатувчи кучга айланади.

Айдарбек ТУЛЕПОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

да фойдаланиш лозим. Айтايлик, шўх замонавий эстрада йўналишидаги қўшиқдан сўнг Шашмақом шўъбасидаги куй ёки ашулаи кўйиш орқали ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг ўзига хос имкони пайдо бўлади. Ёшлар қайси кўрсатув ёки эштитиришни мароқ билан қабул қилса, айнан уларни секин-аста мукаммал ҳолга келтириш ва уларда ёшлар тарбиясини гўзаллаштирувчи омилларни кучайтириш зарур. Телевидение орқали Ўзбекистон табиати намойиш қилинса ва тасвирга қуйларимиз зийнат бўлса, нур устига нур. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқийёс ўрин тутиб келади".

Таълим муассасалари қошида таъкид этилган ахборот-ресурс марказларини манбалар билан бойитишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Китобларни ҳам оқилона саралаш, болалар ёш хусусиятини ҳисобга олиш, қолаверса уларнинг маданиятини, маънавиятини, бадий савиясини оширишга хизмат қиладиган асарларни танлаш муҳим.

Обод турмушга маърифат кўмағида эришиш энг маъзул йўлигини қўшлар қатори биз ҳам кўнглимиздан ўтказдик, бу йўлдаги айрим жиҳатларни таъкидладик, холос.

Лайло ШАРИПОВА, БўхДУ ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Маънавият кушандаси

ҳаёсийлик, ёвузлик уруғларини экади, холос. Шафқатсизлик, ваҳшийлик лаҳзалари акс этган чет эл жангари фильмлари ҳам аста-секинлик билан томошабинда муаммоларни ана шундай аянчли ҳал этиш ҳиссини уйғотиб боради.

"Оммавий маданият" кутқуси кишини чеklangан шахсий эркинлик учун курашишга ундайди. Бу ота-она ва фарзандларни бурчу масъулиятлардан "озод" этиб, оилавий бирлик, меҳр-муруватни йўққа чиқаради, оилани маънавий инқирозга олиб келади. Оқибатда, назоратсиз ёшлар жиноятчилик ва зўравонлик кўчасига қадам қўядилар. Ер юзидagi ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги шароитда турли мақсадларни кўзлаган баъзи кучлар бундан унумли фойдаланиб, давлатлар ва халқлар ўртасида бундай бузғунчи "жозибаларни, "эркинлик шабадалари" тарзида имкон қадар кенг ёйишга ҳаракат қилмоқда.

"Оммавий маданият" кишидан фикр юритишни, ақл-мулоҳаза билан иш тутишни талаб этмайди, аксинча, унда оломонча кайфиятини тарбиялайди. Ҳаётий ташвишлардан, турмуш муаммоларидан халос этиб, бир марта бериладиган ҳаёт-

тиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Оилада эр мавқеининг баландлиги, аёл ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эгаллиги, фарзандларнинг ота-онани ҳурмат қилиши... Ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни кўз қорачиғидек асрашимиз ва янада сайқаллашимиз лозим. Айниқса, шиддат билан ўзгараётган, бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бораётган ҳозирги замонда ушбу талаб ҳар доимидан-да долзарб.

Муҳтарам Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига ҳозирги вақтда ахлоқсизликини маданият деб билиш ва, аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳавф солаётганини ва бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалаётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Бунинг учун, аввало, ахборот хавфсизлигини таъминлаш лозим. Хорижий телеканалларда нима намо-

ларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалиги эришиш мумкин.

— Ислоҳ дини руҳий-маънавий комилликка давват этувчи дин ўлароқ но-зил бўлган ва, аввало, шу йўлдаги энг хавфли ғаним — нафсга қарши кураш руҳи билан йўғрилган. "Оммавий маданият" эса одамларда исғъомолчилик кайфиятини авж олдириб, нафсга салбий қувват беришдан ўзга нарса эмас, — дейди Шайх Абдулазиз Мансур. — Шу жиҳатдан исломнинг туб моҳиятига зид ҳодиса десак, сира янглишмаган бўлаемиз. Асосан, четдан кириб келаётган "оммавий маданият" турфа воситалар билан инсон ақлини зойил этиб, кишида нафсу шаҳватга меъёр ҳиссини сусайтиради. Нафсу шаҳватда меъёрни сақлаш ҳар бир инсоннинг ўзига, унинг имон-эътиқодига боғлиқ бўлганидек, гўё ҳарир пардадаги "маданият" томига тушган ёки ундан сақлиниб қолган ҳам қўл-қўлининг ўзига боғлиқдир. Бунинг учун ҳар бир инсон "тазқият ул нафс", яъни нафсини поклаш билан машғул бўлмоғи лозим.

Жамиятнинг энг муҳим бўлаги ҳисоб-

«Ўзгариб» бораётган ёшлар

Бугун маънавиятимизга берилаётган жиддий эътибор ўз вақтида амалга оширилаётган оқилона сиёсатдир. Сиёсат, иқтисод, маънавият, аслида, бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Биз ёшларга сабоқ берар эканмиз, маънан бой, сиёсат ва иқтисодни етарлича тушунган бўлишимиз шарт. Ҳар бир дарсимиз маъзул фан ютуқлари асосида ўтилар экан, аини дамда, шу дарсдан келиб чиқиб сиёсий, иқтисодий, маънавий тарбия беришни унутмаслигимиз керак. Зеро, ёшлар Ватанимиздаги жиддий ўзгаришлар, туб бурилишлар моҳиятини ўз вақтида тўғри идрок этиб, уларда иштирок этиш, дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарурлигини англасин.

Турмушимиз ободлиги — кўнглимиз ободлиги. Биз мураббийлар маърифат кўмағида турмуш ободлиги, демаски, кўнгли ободлигига эришиш муҳимлигини ёшларга тўғри тушуниришимиз лозим. Ахир, тараққиёт онгу билимнинг ўсиши, маданиятнинг ривожланишигагина эмас, балки том маънода яхшиликка, инсон саодатига хизмат қилиши ҳам демакдир.

Асрлардирки, инсоният ёшларнинг "ўзгариб" бораётганини айтиб чарчамайди. Бугун биз ҳам ёшлардаги ўзгаришларни кўриб ҳовлиқиб қолганмиз. Бу — табиий. Бошқа ботаси уяли телефонни, компьютерни сизу мендан яхшироқ ишлабди. Инглиз тилида би-ноийдаги сўзлайди. Кийиниши, қизиклишлари бизнига ўхшамайди. Бундан кўрқиб керак эмас.

Уларнинг қизикқан нарсаларини ақл билан бойитиш, миллий мафкурамиз, истиклолимиз равнақи йўлида хизмат қилдириш лозим. Қандай қилиб? Айтايлик, бугун жуда кўп ёшларимиз интернетдаги ижтимоий тармоқларда "банд". Шу сайтларни ёшлар қизиқшишга мослаб, маърифатли маълумотлар билан тўлдирса, ундаги "енгил кайфият"ни жиддий ўзгартира со бўлади-ку!

Халқимизда ишқ-муҳаббат ҳақида гўзал эртагу дostonлар бор. Шоирларимиз муҳаббатни тараннум этувчи гўзал шеърлар, ёзувчиларимиз ажойиб ҳикоя, қиссалар яратган. Балки, уларни бир кур назардан ўтказиб, ҳазми оsonроқ, оммабоп бўлганларини сайтта киргизармик? Ёшлар бу шеърларни дастлаб бир-бирларига севги изхори сифатида юбо-

улар тарбиясига қандай ёндашамиз?

риб, сўнг шуурлари ёришар. Бизнинг ёшмиздагилар бадий адабиёт билан қовоз ёрдамида та-нишган бўлсалар, бугунгилар компьютер кўмағида асар ўқийди. Фақат сайтларга жойлаштирилаётган, умуман, нашр қилинаётган асарлар савиясини жиддий назорат қиладиган вақт этиб келди.

Компьютерда **Mulohaza** беш яшардан элик яшар кишиларгача ўйин ўйнамоқда. Ўйин ўйнама дейишдан кўра зарарли ўйинларни йўқотиш, уларни суриб чиқара оладиган, мантқиққа таянган фойдали ўйинлар ишлаб чиқиш мумкин. Бир вақтлар дизайн йўналишидаги бир ўйинни кўриб қолувдим. Турли либослар, сочлар, кўзлар, хуллас, инсон қиёфасини ранг-баранг ҳолга келтириш имкони берилган. Шундай ўйинлар миллий қиёфа, либосларимиз асосида ташкил қилинса, қизларимиз кийиниш маданиятидан, ранглар мутаносиблигидан хабардор бўлишарди. Аини бир кур назардан ўтказиб, ҳазми оsonроқ, оммабоп бўлганларини сайтта киргизармик? Ёшлар бу шеърларни дастлаб бир-бирларига севги изхори сифатида юбо-

ўша ҳудуд табиати инжикликларидан ҳимоя мавжуд бўлади. Оддий қилиб айтганда, ҳар бир миллиятнинг либоси унинг соғинаи гаровидир. Бугун қизларимиз фарбдаги каби оёқлари очик қўйибди. Ота-боболаримиз фақат ҳаё нуктаи назаридан эмас, гигиена сабабли ҳам оёқни тўпикқача ёптирганлар. Негаки, иқлимимиз бир вақтда беш хил ҳолатга ки-нади. Ёзнинг хотирланг: эрталаб сақин, тушда қайнаб кетади. Секкин салқин бўлиб бориб, намоз-шомда салқинлик миқдори ошиб, битта қўйлак камалик қиладди. Бугун оёқ очик юриш туфайли, хотин-қизларда ички касалликлар, буйрак шамоллаши, оёқ оғриғи каби хасталиклар кўпайди. Қўйликча бунн нотўғри кийиниш оқибати деб ҳисобламайди ва ота-боболари кийингандай, ҳеч бўлмаса, миллий кийимларни замонавийлаштириб кийиш соғлиққа фойда эканини тасаввур қилмайди, эҳтимол. Биргина мисол: аксарият қизлар буйрагини шамоллатиб, оилани бўлгач, фарлатта мансуб кийим пушчачи пайдо бўлмайди. Унда ўша миллият яшаётган табиат акс этган,

қуртка кийгани ҳам сабаб бўлиши мумкинлигини оналари ўйла-димикан? Синтетикадан бўлган оёқ кийимларида қаттол қиш со-вурида узукун юрган қизларни мизни ўйлаётганимиз йўқ. Бу ҳолатни чуқурроқ таҳлил қилсак, яна қатор мулоҳазалар пайдо бўлади. Ёшлар-беҳадларча кий-иммоқда, деймиз-у, ҳам ёшлар ди-дига мос замонавий, ҳам халқимизнинг азалий қадриятларига му-таносиб либосларни бозордан ки-пиш душворлигини камроқ ўйлай-миз. Ҳолбуки, биргина шу муам-монинг хайрли ечими маънавия-тимизга каттагина фойда келти-ради.

Яна компьютер ўйинларига қайтсак. Уруш, ур-ийқитдан иборат ўйинлар ўрнини табиат тас-вирлари, ўсимликлар ва ҳашарот-ёрдамида тайёрланган ўйин-лар билан алмаштириш мумкин-ку! Ҳеч бўлмаса, охуни шердан кутқариш ўйини ишлаб чиқилса... Ёшларга жуда қизикарли туюл-ган, ҳозирча янгилик макомидagi бу нарсаларни жиддий қайта иш-лаб чиқиш учун салоҳиятни мута-хассислардан фойдаланиш керак. Ёшлар турли қўйғичлар радио-дастурларни қизикиб тинглагоқ-да. Бу имкониятдан маърифат йўли-

Ҳа, Ватан — яхлит ту-шунча. Уни бўлақларга бўлиб бўлмайди. Демакки, гўё ҳар бири ўз ташвиши, ўз орзуу армонлари билан қоришиб яшаётгандек туюлса-да, оилалар — жамиятнинг жамики аъзолари маълул маънода бир-бирига таъсир ўтказиб, юртнинг қудратини таъминлаб турувчи бирликка, кучга айланади. Муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида 2013 йилни "Обод турмуш йили" номи билан аташни тақлиф этар экан, жумладан шундай де-лар эса қону жонга сингувчи сабоқларни воли-даю муҳтарамаси ва падали бузрукворининг шун-дай ибрат мактабларидан оладилар.



ржаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина, бу мақсадга эришиш мумкин". Назди-мизда, бу курашнинг ибти-доси, аввало, оила мустаҳ-камлигини таъминлаш учун ақл ва идрок, сабр ва қано-ат билан бу муқаддас гўша-ни бошқариш, айни пайтда ота ва онанинг ўз касб-кор-лари сиру синоатини мукам-мал эгаллаб, фидойилик ила меҳнат қилиши, унинг ортидан фақат ўзи эмас, эл-юрт манфааддор бўлишига эришишидир. Фарзанд-лар эса қону жонга сингувчи сабоқларни воли-даю муҳтарамаси ва падали бузрукворининг шун-дай ибрат мактабларидан оладилар.

Оила Ватаннинг бир нарчасидир

Жавоҳирбек етти ёшида шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлишдек муваффақиятга эришди. Утган йили Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган беллашу-ларда юртимиз вакили сифатида иштирок этиб ҳам олтин, ҳам кумуш медални қўлга киритди. Укаси Исл-омбек эса беш ёшгача бўлган бо-лалар орасида ўтказилган Осиё че-мпонатининг кумуш медали соҳиби-га айланди. Акаларидан қолишмас-ликка астойдил тиришаётган Ҳумо-юн эндигина уч ёшни қаршилагани-га қарамай, футболнинг ҳақиқий их-лосмади. Мирзо Улғабек, Паризо-да, Нафисаой ҳам нафақат спорт, балки фанларни ўзлаштириш, хори-жий тилларни ўрганиш борасида ҳам тенгдошларига иб-рат. Сўзга чечан, зукко, зийрак... Бир қараганингизда оддий ҳолат: иқти-дор ўз бўю бабини кўрса-таётгандек. Аммо унинг замирида, аввало, оила-даги соғлом муҳит, хона-дон соҳибларининг фар-зандлар тарбиясидек но-зик ва масъулиятли вази-фага сидқидилдан ёнда-шиши, юқорида тилга ол-ганимиздек, болажонлар-га катталарнинг том маъ-нода ихобий таъсир этувчи ибрат намунасини аъло даражада ўтай ол-ганлари мужассам.

Кези келганда яна бир мулоҳаза-ни ўртага ташлаш мумкин. Кейинги пайтларда айрим оилаларда таъ-лим-тарбия бобида бобо-бувию на-биралар ўртасида қандайдир узил-тиш пайдо бўлаётгандек. Бу эса асо-сий эътибори рўзгорини "оёққа қўйиб олиш"дек вазифага қаратил-ган ёр эру хотинлар учун, албатта, турли қийинчиликлар тугдирати. Энг ёмони, авлодлар камолотига ўзининг салбий таъсирини ўтказ-май қолмайди. Жавоҳирбек воёга етаётган оилада эса Комил ака ва Жамила опа Синдаровларнинг на-биралар келажаги учун бирдек қай-ғуришлари, таъбир жоиз бўлса, гузазтли меваларини бераётди.

— Биз ота-боболаримиз, онаю момоларимиздан катталарга хур-мат, кичикларга иззат кўрсатишдек муруватни кўриб улгайдик, — дей-ди ҳаётини ёшларга таълим-тарбия беришдек машаққатли меҳнатга ошно этиб, эъзоз толган Жамила опа. — Оиламизда ҳамиша саран-

жом-саришталик, тежамкорлик, поки-залик, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга жиддий аҳамият берилган. Болалигимда момомдан бот-бот эшитганим: "Ноннинг увоғи ҳам нон", "Сувиң иф-лослантириш гуноҳ" каби нақллар, ривоят у ҳикоятлар ҳамон хотирам-дан ўчмайди. Биз уларнинг ана шу каби ўғитларини уқиб, ҳаётнинг қувончларига мушарраф бўлдик, ха-толардан тийилдик, қоқилмасликка қарамай, футболнинг ҳақиқий их-лосмади. Мирзо Улғабек, Паризо-да, Нафисаой ҳам нафақат спорт, балки фанларни ўзлаштириш, хори-жий тилларни ўрганиш борасида ҳам тенгдошларига иб-рат. Сўзга чечан, зукко, зийрак... Бир қараганингизда оддий ҳолат: иқти-дор ўз бўю бабини кўрса-таётгандек. Аммо унинг замирида, аввало, оила-даги соғлом муҳит, хона-дон соҳибларининг фар-зандлар тарбиясидек но-зик ва масъулиятли вази-фага сидқидилдан ёнда-шиши, юқорида тилга ол-ганимиздек, болажонлар-га катталарнинг том маъ-нода ихобий таъсир этувчи ибрат намунасини аъло даражада ўтай ол-ганлари мужассам.



ри учун масъуллик бизни сергаклан-тириб туради. Ўғлимиз Санжарбек ва Шаросон отасининг изидан бо-риб ҳуқуқшунослик касбини ихтиёр этишди. Дилдоракон мен сингари муаллими. Моҳинисо — талаба, Бах-тигул — ўқувчи... Дарвоқе, Комил ака гарчанд юри-дик фанлари доктори бўлишдек илм-нинг олис ва машаққатли йўлини бо-сиб ўтган бўлса-да, адабиёт, шеъ-рияш шайдоси, ўндан ортиқ китоб-лар муаллифи. — Оиламизнинг ўз шiori бор, — дея суҳбатимизга қўшилади у киши. — Давлатимиз, жамиятимиз рав-нақи йўлида қўлимиздан келганча яхши ишлар қилишга ҳамиша шай туриш. Ҳеч кимдан мадад қўлини узмаслик. Бунга эса, аввало, маҳал-лазатли меваларини бераётди. — Биз ота-боболаримиз, онаю момоларимиздан катталарга хур-мат, кичикларга иззат кўрсатишдек муруватни кўриб улгайдик, — дей-ди ҳаётини ёшларга таълим-тарбия беришдек машаққатли меҳнатга ошно этиб, эъзоз толган Жамила опа. — Оиламизда ҳамиша саран-

жом-саришталик, тежамкорлик, поки-залик, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга жиддий аҳамият берилган. Болалигимда момомдан бот-бот эшитганим: "Ноннинг увоғи ҳам нон", "Сувиң иф-лослантириш гуноҳ" каби нақллар, ривоят у ҳикоятлар ҳамон хотирам-дан ўчмайди. Биз уларнинг ана шу каби ўғитларини уқиб, ҳаётнинг қувончларига мушарраф бўлдик, ха-толардан тийилдик, қоқилмасликка қарамай, футболнинг ҳақиқий их-лосмади. Мирзо Улғабек, Паризо-да, Нафисаой ҳам нафақат спорт, балки фанларни ўзлаштириш, хори-жий тилларни ўрганиш борасида ҳам тенгдошларига иб-рат. Сўзга чечан, зукко, зийрак... Бир қараганингизда оддий ҳолат: иқти-дор ўз бўю бабини кўрса-таётгандек. Аммо унинг замирида, аввало, оила-даги соғлом муҳит, хона-дон соҳибларининг фар-зандлар тарбиясидек но-зик ва масъулиятли вази-фага сидқидилдан ёнда-шиши, юқорида тилга ол-ганимиздек, болажонлар-га катталарнинг том маъ-нода ихобий таъсир этувчи ибрат намунасини аъло даражада ўтай ол-ганлари мужассам.

— Биз ота-боболаримиз, онаю момоларимиздан катталарга хур-мат, кичикларга иззат кўрсатишдек муруватни кўриб улгайдик, — дей-ди ҳаётини ёшларга таълим-тарбия беришдек машаққатли меҳнатга ошно этиб, эъзоз толган Жамила опа. — Оиламизда ҳамиша саран-жамиятнинг ҳақиқий их-лосмади. Мирзо Улғабек, Паризо-да, Нафисаой ҳам нафақат спорт, балки фанларни ўзлаштириш, хори-жий тилларни ўрганиш борасида ҳам тенгдошларига иб-рат. Сўзга чечан, зукко, зийрак... Бир қараганингизда оддий ҳолат: иқти-дор ўз бўю бабини кўрса-таётгандек. Аммо унинг замирида, аввало, оила-даги соғлом муҳит, хона-дон соҳибларининг фар-зандлар тарбиясидек но-зик ва масъулиятли вази-фага сидқидилдан ёнда-шиши, юқорида тилга ол-ганимиздек, болажонлар-га катталарнинг том маъ-нода ихобий таъсир этувчи ибрат намунасини аъло даражада ўтай ол-ганлари мужассам.

Самарқанд давлат тиббиёт институти мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртларидан саналади. Талабаларнинг етарли билим ва кўникмага эга бўлиши, илмий изланишлар олиб бориши учун муассасанинг ахборот-ресурс марказида барча шароит яратилган. Мазкур зиё маскани моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий адабиётлар ва компьютер технологиялари билан таъминлаш ишлари Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

2007 йили марказ таркибида ахборот технологиялари бўлими ташкил этилиб, электрон дарслик ва қўлланмалар яратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш мумкин, кўпчилик ўқув дастурлари, энциклопедик материаллар, илмий маърузалар матнлари, ўқув-услубий мажмуа ва бошқа адабиётлардан иборат бўлган тўрт мингдан ортиқ электрон ахборот-ресурс фонди мавжуд. Бундан ташқари, анатомия, эндоскопик жароҳлик ва ички касалликлар бўйича видеоматериаллар ҳам жамланган. Мавжуд базадан фойдаланиш учун 5та компьютер синфида 74та энг сўнгги русумдаги компьютерлар хизматга шай. Компьютерлар интернет тизимига уланган бўлиб, талабалар хоҳлаган вақтда соҳага доир маълумотларни олиб, "ZiyoNET" тармоғи орқали эгаллаган билимларини янада бойитиб боришади. Бу омилларнинг барчаси ахборот-ресурс маркази талабаларнинг иккинчи аудиториясига айланишини таъминлади.

— Янги наشرдан чиққан соҳага оид ҳар қандай адабиёт марказимиз ходимларининг эътиборидан четда қолмайди, — дейди институт АРМ раҳбари Дилшода Мансурова. — Келтирилган янги адабиётларнинг ахборот технологиялари бўлимида электрон нусхаси олиниб, PDF форматда электрон шаклга келтирилади.

итут ахборот-ресурс маркази мамлакатимиз олий ўқув юртлари ичида биринчилардан бўлиб, КАРМАТ-У (корпоратив ахборот-ресурс маркази автоматлаштирилган тизими) дастурига эга бўлди. Мазкур дастурда ҳар бир фойдаланувчининг шахсий электрон кабинети яратилган бўлиб, бу ерда керакли китоблар учун буюртмалар бериш, олиш ва қай-

ёдини бадиий адабиётлар, 9 мингдан ортигини чет тилидаги илмий, бадиий адабиётлар ташкил этади. Бой билим манбаидан нафақат институт талабалари, тадқиқотчилар, балки, врачлар малакасини ошириш факультети тингловчилари, соҳилқни сақлаш тизими ходимлари ҳам фойдаланишади. Таҳлил қилинганда, йил давомида 200 минг на-

Oliy ta'lim

бўлиб, бу бўлимда чет тилларидаги китоблардан ташқари, дарс жараёнида мавзуларни ёрқинроқ очиб беришга хизмат қилувчи видеолар ва фотослайдлар ҳам сақланмоқда.

— Ахборот-ресурс маркази фонди чет тилидаги адабиётларга ҳам бой, — дейди институтнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Яхшинор Аллаёров. — Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан тил билишининг аҳамияти яна бир бор қайд этилди, бу борада олдимизда турган вазифалар белгиланди. Албатта, бу вазифалар ижросига ахборот-ресурс маркази ҳам салмоқли улуш қўшади.

Мазкур олий ўқув юрти ахборот-ресурс марказида янги наشرдан чиққан китоб, илмий-оммабоп газета ва журналлар кўргазмасини ташкил этиш аънаанага айланган. "Ахборот куни", "Касблар куни" каби кўргазмалардан ташқари, ҳар чорак якунида янги олинган адабиётлар намойиш этилади. Кўргазмалар давомида ҳар бир китобнинг қисқача мазмуни хусусида ҳам маълумот берилди. Бир сўз билан айтганда, талабанинг билим олиши учун лозим бўлган барча омиллар институт маъмурияти томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, уларнинг келажақда малакали ва билимли шифокор бўлиб етишишига замин ҳозирлайди.

Ҳақим Жўраев,
"Ma'rifat" мухбири

АРМ — ИККИНЧИ АУДИТОРИЯ



Айниқса, нодир китоблар, қўлланма ва дарсликлар, кутубхонамизга келаётган 49 номдаги мамлакатимизда наشر этиладиган, 36 номдаги хорижий илмий-тиббий газета ва журналлар, хорижий олий ўқув юртларининг дарсликлари ҳам шу тарзда электрон шаклда кўпайтириб борилади.

Таъкидлаш жоизки, инс-

тариш, шунингдек, китоблар тўғрисидаги маълумотларни қидириш мумкин. Бу ҳам талабаларнинг билим олиш имкониятини оширади.

Ёруғ, шинам ўқув хоналарига эга бўлган АРМнинг умумий фондида 304 мингдан зиёд китоб бўлиб, унинг 107 мингдан ортигини ўқув адабиётлари, 8 мингдан зи-

фарга яқин китобхона 440 мингга яқин адабиётлардан фойдалангани маълум бўлди.

Нодир адабиётлар бўлими кўпчилик меҳмонларнинг эътиборини тортиб келади. Бу ерда 600дан ошқ ноёб китоблар сақланади. Шунингдек, хорижий адабиётлар бўлими фаолияти ҳам намунали ташкил этилган

КИТОБХОНЛИКДА ЎРНАК ЗАРУР

— Китоб ўқиш керак, — деди автобусда бир киши ҳамроҳига. — Тунов куни Тоҳир Маликнинг бир мақоласини ўқиб қолдим. Шукроналик туйғуси ҳақида шундай фикрларни ёзибди: "Эрта билан турганимизда биздан кимдир "Янги ётиб турдингизми?" деб сўраса, истар-истамас бош иргаймиз ёки бўлмас "Янги ухлай олмадим, юрагим, оёғим, белим безовта қилди", дея нолиймиз. Соппа-соғ тонг оттирганимиз, кўзларимиз куёшни, ёруғликни кўриб тургани учун шукр қилмаймиз. Ваҳоланки, Ер юзида неча юзлаб одамлар кечаси уйкуга ётиб, тонгда кўз очмайдилар, тириклик деган неъматдан мангуга видолашадилар". Бундан хулоса қилиб, ҳар куни эрталаб уйғонганимизда болаларимни соғ-саломат кўраётганим, нафас олаётганим, яна бир кунни кутиб олганим учун шукр қилишга одатландим.

Унинг гапларини эшитиб ўтирган ҳамроҳи ҳам сўз қотди:

— Тўғри айтасиз, газета-журнал, китоб ўқиганингиздан кейин уларда ёзилганларга ўз-ўзидан амал қиласиз-да. Агар бунга риоя этмасангиз, худди айб иш қилган одамдек

ўз-ўзингиздан уялиб юрасиз. Ўқишда, айниқса, бадиий китоб мутлоасида гап кўп. Шунинг учун невараларимга "Ҳой, барак топгurlar, компьютер, телевизор деганга тикилиб ўтиравермасдан кўпроқ китоб ўқинглар", дейман. Кошки, уларнинг қулоғига гап кирса...

Болажонларда ўқиш кўникмасини шакллантириш ва китобга меҳр уйғотишда оилавий муҳитнинг ҳам таъсири катта. Агар ота-она, ака-опалар китобсевар бўлса, болада ҳам бу хислат ўз-ўзидан шаклланади.

Бугун кутубхона ва АРМлар ёш китобхоналарга қандай хизмат кўрсатмоқда? Ота-оналар билан олиб борилаётган ишларнинг мазмуни қандай? Учкўприк тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги АРМ раҳбари Арофатхон Маҳмудовадан шу каби саволларга жавоб олдик:

— Баркамол авлодни тарбиялашда китоб ва китобхонанинг ўрни бекиёс. АРМда бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида дастур иш-

лаб чиқилган. Улар учун ташкил этилган ўқув бурчагидан янги наشر этилган адабиётлар, болалар адиби ва шоирлари ҳаёти ҳақидаги маълумотлар, ижод намуналари, эртақ қаҳрамонларнинг пластилин ва матолардан ясалган шакллари, эртақ ва шерь китоблар, китобларни асраш ва авайлаш тўғрисидаги даъватлар жой олган. Болажонларни мутлоага қизиқтириш, уларда китоб ўқиш ва китоб танлаш кўникмасини шакллантириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилади. Жажжи китобхоналар учун мультфильмларнинг ярми кўйиб берилади ва давоми қайси китобдалиги айтилиб, ўша китобни кейинги тадбиргача ўқиб келиш вазифаси топширилади.

АРМ ходимлари ота-оналар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ўқув йили бошланмасдан аввал ташкилот ва муассасаларнинг "Эълонлар тахтаси"га "Фарзандларингиз учун китоблар!" номи остида янги нашрлар рўйхати ва АРМ иш жадвали илиб қўйилди. Ота-она фарзанди билан бирга келиб, ки-

тоб мутлоа қилиши, ўғил-қизининг қандай адабиётларга қизиқиши ҳақида мутахассислар билан суҳбатлашиши, рўйхатдаги китобларни қаерлардан сотиб олишлари мумкинлиги ҳам қайд этилди. Дастлаб туман болалар поликлиникасида ишлаётган уч ота-она фарзанди билан кириб келди. Ўғил-қизининг келажагига бефарқ бўлмаган, китоб бу йўлда энг яхши ҳамроҳ ва зарур кўмакчи эканини яхши англаган ота-оналар сафи аста-секин кенгая бошлади. Хозирда доимий қатнайдиган китобхона оилалар ўттизга яқинлашиб қолди. Улар фарзандлари рўйхатдаги китоблардан ташқари яна қандай адабиётлар билан танишиши кераклигини сўрашмоқда, боласининг қизиқишига доир китобларни ҳам топиб беришни илтимос қилишмоқда. АРМ ходимлари уларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатаяпти.

Тажриба шуни исботламоқдаки, ҳадеб китоб ўқишга мажбурлайвериш эмас, балки шахсий ўрнак кўрсатиш болаларни мутлоага тезроқ ўргатади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Kutubxona — nurxona

БИОМИМЕТИКА

ёхуд геккон, нилуфаргул ва голотуриядан нусха олиб...

(Давоми. Боши газетанинг аввалги сонларида.)

Табиат ўз объектларини ҳамisha максимал самарадорлик билан яратади. У ўз "вазифа"сини бекаму кўст, оригиналлик, гайриоддийлик ва ресурсларни тежаш асосида амалга оширади. Албатта, бу ҳол инсонга завқ бағишлаб, у шундай ажойибу гаройиб нарсалар ва жараёнларни такрорлашни — нусхасини олишни хоҳлайди. Бундай нусхалаш билан шуғулланувчи фан биомиметика (يونونча bios — ҳаёт, mimesis — имитация, тақлид қилиш) деб юритилади. Биомиметика атамаси 1958 йили америкалик олим Жек Э. Стил томонидан муомалага киритилган. Ўтган асрнинг 70-йилларидан буён "бионика" термини ҳам ишлатиб келинмоқда. Ушбу фан юксак технологиялар ҳисобланган био — ва нанотехнологиялар интеграцияси туфайли пайдо бўлди. Биомиметика — тирик табиат системаларининг ташкил бўлиш принциплари, хусусиятлари, функциялари ва структураларини техник курилма ва машиналарда қўллаш ҳақидаги амалий фандир. Жонли табиат ҳақидаги билимлардан техник масалаларни ечишда фойдаланиш гоёси Леонардо да Винчига тегишли. У биринчи бўлиб кушлар каби қанотини қоқиб учувчи аппарат — "орнитоптер"ни яратишга ҳаракат қилган эди.

Кейинги йиллари олимлар табиат мўъжизаларини илмий ўрганиш билан бир қаторда табиатга тақлид қилиб, инсон ҳаётини енгillashtirishga қодир табиий объект ва жараёнларни сун'ий равишда яратишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу мақолада биомиметика фанини қўллашга қаратилган бир неча мисолларга атрофлича тўхталиб ўтамиз.

ГЕККОН деб аталувчи калтакесак шифт ва вертикал жойлашган ойна ёки ойнадек силлиқ буюмларнинг сирти бўйлаб осонлик билан ҳаракат қила олади. Бу табиий мўъжиза кўп йиллар давомида олимлар эътиборини тортди келди, уни тушунтириш учун қатор уринишлар бўлди, аммо улар ижобий натижа бермади. Гекконнинг хусусиятларини имитация қилиш учун панжасининг структураси ва ишлаш механизми яхши ўрганиш зарур эди. Ниҳоят, ақинда олимлар бу сирни очишга муваффақ бўлдилар. Гекконнинг панжаси сканловчи электрон микроскопда ("Ma'rifat"нинг 2012 йил 17 октябрь сонида берилган шу мавзудаги мақолага қаранг) текширилганда, ўлчами одам сочидан ўн марта ингичка керамик тукларидан иборат экани ва ҳар бир тукнинг учи яна минглаб ёстиқчалардан ташкил топгани аниқ бўлди. Ҳар қайси ёстиқчадан, ўз навбатида, юз минглаб керамик туклари чиқиб туради, ҳар бир тукнинг учи эса диаметри 200 нм бўлган юзлаб куракчалар билан тугайди. Шундай қилиб, гекконнинг панжаси миллионлаб митти куракчалардан иборат экан. Олимлар гекконнинг силлиқ сиртлар бўйлаб эркин ҳаракати негизда молекуляр физика ётишини аниқлаганларида кўпчилик ҳайратда қолди. У олдинги мақолаларимизда бир неча марта тилга олинган Ван дер Ваальс кучлари таъсирида ҳаракат қилар экан. Молекулалар орасидаги бу кучларнинг характери улар орасидаги масофага боғлиқ бўлади. Бу кучлар молекулалар бир-бирларига жуда яқин бўлганда итарishi характерига эга бўлса, узоклашганларида тортиш кучи сифатида намоён бўлади. Шуни эслаш жоизки, атом-куч микроскопи ("Ma'rifat", 2012 йил 17 октябрь) ҳам шу принцип асосида ишлайди. Геккон ўз панжасини бирор буюмнинг сиртига қўйса, нанотуклар учидagi куракчалар унга ёпишади, панжасини сал тортганда Ван дер Ваальс кучлари шу онда йўқолади ва у сиртдан осонгина ажралади. Геккон панжасидаги ҳар қайси тук сирт билан 10-7Н(ньютон) куч орқали боғланади. Бу тукларнинг зичлиги жуда катта бўлганлиги боғлиқ кучини беҳад оширади. Масалан, керамик туклари жойлашган 10x10 см²

ўлчамдаги юзанинг сирти 100 кг юкни ушлаб тура олади. Бу билимларга таянган ҳолда олимлар синтетик материаллар ёрдамида "геккон эффекти"ни тикладилар. Манчестер(Буюк Британия) нанотехнологлари электрон — нур литографияси ёрдамида геккон панжасидаги тукларга ўхшаш пластик нанотола массивини яратдилар. Графенни кашф қилган, физика соҳасида Нобель мукофоти совриндори, Манчестер университетининг профессори Андрей Гейм 2003 йили елимсиз ёпишқоқ тасма — "гекко — котч"ни кашф қилди. Тасма геккон панжаси сиртининг сун'ий нусхаси эди. Бу материалшуносликда биомиметик ёндашишнинг ютуқларидан бири бўлди. Гейм ва унинг ҳамкасблари ишини давом эттириб, Германиянинг Х.Альбрехт номидаги университети(Киль шаҳри) профессори С. Горба бошчилигидаги гуруҳ "Gottlieb Binder" компанияси билан ҳамкорликда ажойиб адгезион (ёпишқоқ) хусусиятларига эга бўлган селикон плёнка — "Gecko Nanoplast"ни яратди. Микротукларнинг зичлиги бир см² юзада 29 000 донага етди. Бу елимсиз плёнканинг 20x20 см² юзаси бемалол бир одамни кўтариб туриш қобилиятига эга. Бундай плёнкани қайта ишлатиш ва ундан вакуумда, демак, космосда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бу принцип асосида турли хусусиятларга эга бўлган универсал "журук елим"ларнинг янги авлодини яратиш кўзда тутилмоқда.

Американинг "Robot" компанияси ходимлари "геккон эффекти" асосида аквариум деворларида вертикал ҳаракатлана оладиган роботни яратдилар. Агар роботга гекконниқидек дам уланса, у аквариумнинг ўткир қирралари бўйлаб ҳам югуриш имконига эга бўлиши мумкин. Агар гекконга ўхшаш роботларни яшаш бўйича тажрибалар ижобий натижаларга олиб келса, роботларни баланд биноларнинг ойналарини тозалашдан тортиб, космосгача бўлган жуда кўп соҳаларда ишлатиш мумкин. Одамлар вертикал деворларга чиқа олишлари учун геккон панжасига ўхшаш оёқ кийими ва қўлқопларни яратиш мумкин. Бу, биринчи навбатда, альпинистлар ва монтажчилар фаолиятида асқотади.

НИЛУФАР ("лотос" ёки лотинча "Nelumbo") ўсимлиги баъзи динлар ва фалсафий оқимларда тозалик, гўзаллик ва мукамаллик рамзи ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, нилуфар ботқоқнинг лойка сувидан ўсиб чиқишига қарамай, доимо топ-тоза бўлади. Ёмғир томчилари нилуфар ўсимлигининг барг ва гулларида тезда тушиб кетади. Устига лойка сув сепилса ҳам, гул тозалигича қолади. Нилуфарнинг барг ва гуллари сувда ҳўлланмайди ва шунинг учун ҳам сув томчилари симоб шарчаларига ўхшаш думалаб пастга тушиб кетаверади. Нилуфар барглари сиртида, ҳатто, елим ва асал томчилари ҳам ушланиб қолмайди. Бу ҳодисанинг сабаби нимада? Илмий текширишлар шуни кўрсатдики, лотос барглари сирти баландлиги 10 мкм. бўлган микрогуддачалардан иборат ва улар жуда кичик ўлчамдаги туклар билан қопланган. Микрогуддача ва туклар гидрофоб(сувда ивмайдиган) хусусиятига эга мумга ўхшаш материалдан бўлгани туфайли сувда лотос барги ҳўлланмайди. Шунинг учун ҳам нилуфарнинг тукли



сиртлари лой зарраларидан ўз-ўзидан тозаланади. Бу ҳодиса "нилуфар(ёки лотос) эффекти" деб юритилади. Нанотехнологиялар ёрдамида нилуфар барги сиртига ўхшаш юзани яратиш мумкин. "Наноўт" деб аталувчи бундай сирт бир хил узунликда ва бир хил масофада жойлашган кўпдан-кўп параллел наносим(наностержен)лардан иборат. Бу сирт микрометр ўлчамдаги масса жўтқасини эслатади. Бундай сиртга тушган суяқлик наносимлар орасидан ўта олмайдди. Бунга суяқликнинг юксак сирт таранглиги ҳалақит беради. Демак, нанотехнологиялар ёрдамида ҳўлланмайдиган ва ўз-ўзидан тозаланиш хусусиятига эга матоларни "нилуфар эффекти"дан фойдаланиб яратиш мумкин. Шундай матолардан ташкил топган материаллар доимо тоза бўлади. Ҳозирги кунда ташқи сирти нанотуклардан иборат ўз-ўзини тозалайдиган шамол тўсадиган автомобиль ойналари ҳамда лой ва чанг ёпишмайдиган буюклар ишлаб чиқарилмоқда.

Биоинженер Анжела Белчер ва унинг гуруҳидаги ходимлар яқинда молификация қилинган вирус — M13 бактериофаги асосида жуда катта кубватта эга компакт батареянинг асосини барпо қилдилар. Бу вирус олтин ва қовалт оксиди каби ноорганик материалларга ёпишиш хусусиятига эга. Вирусларнинг ўз-ўзидан йиғилиш қобилиятидан фойдаланиб, улар етарли даражада узун наносимларни олишга муваффақ бўлдилар. Улар 2009 йили генетик модификация қилинган вируслардан литий — ион аккумуляторининг анод ва катодини яратиш мумкинлигини кўрсатган эди.

Кўпчилик **нейробионика** ҳақида эшитган бўлса керак. Унинг асосий йўналишлари одам ва ҳайвонларнинг асаб тизими физиологиясини ўрганиш ҳамда нерв хужайраси — нейронлар ва нейрон турларини моделлаштиришдан иборатдир. Бу, ўз навбатида, электрон ва ҳисоблаш техникаси архитектурасини тақомиллаштириш ва ривожлантиришга имкон беради. Нейробиониканинг тараққиёти келажақда сун'ий интеллектни яратишга асос бўла олади.

Қисқаси, олимларнинг биомиметика фанидан фойдаланиб қилаётган кашфиётларига юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мақолада бу ҳақда батафсил тўхталиш имкони бўлмагани туфайли биомиметика фанининг асосий йўналишларини келтириш билан чегараланамиз:

- янги датчиклар ва тоғлиб олиш системаларини (система обнаружения) ишлаб чиқиш мақсадида тирик организмларнинг сезги органлари ва қабул қилиш системаларини ўрганиш;
- техникада фойдаланиш мақсадида ҳар хил ҳайвонларнинг ориентация, локация ва навигация принципларини ўрганиш;
- янги техник ва илмий гоғларни тақлид қилиш учун тирик организмларнинг ўзига хос морфологик, физиологик ва биохимёвий хусусиятларини ўрганиш.

Комил МУҚИМОВ,
ЎЗР ФА академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор

(Давоми бор.)



Кейинги мисолимиз биомиметика фанидан фойдаланиб, полимердан биотибиёт материалларини яратиш билан боғлиқ. 2008 йили Кейс гарбий резерв университети (Case Western Reserve University) олимларида денгизда яшовчи **ГОЛОТУРИЯ**(ёки денгиз бодринги) ҳайвонининг териси хусусиятларига эга бўлган янги тибиёт материалли барпо қилиш гоёси тугилди. Денгиз бодринги ўзининг ташқи қобилини шакллантирувчи коллагеннинг(организм тўқималарини бирлаштиришда асосий роль ўйнавчи ёпишқоқ хужайра, ҳайвонларнинг терисида кўпроқ бўлади) қаттиқлигини исталган пайда ўзгартира олар экан. Голотурия бирор хавфни сезганда ўз терисининг қаттиқлигини кўп марта оширади ва унинг териси панцир ролини ўйнайди. Агар у тор тирқишга кирмоқчи бўлса, териси элементлари орасидаги боғлашларни жуда сусайтиради ва оқувчи илвира(студень)га айланади. Университет олимлари шунга ўхшаш хусусиятларга эга целлюлоза толалари асосида материални яратишга муваффақ бўлдилар. Бу материал сувда юмшқоқ бўлиб, сув буғлангандан кейин қотади. Шунинг



учун ҳам "ақлли материал" деб ном олган. Олимларнинг фикрича, бундай материалдан мия ичига киритиладиган электродларни(масалан, Паркинсон касаллигини даволашда қўлланилади) ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бундай электрод мия ичига киритилганда мия тўқималари шикастланмайди.

Бундан роппа-роса 30 йил олдин инсоният гаройиб ускунанинг яратилишига гувоҳ бўлди. 1973 йилнинг 3 апрелида британиялик Мартин Купер "DynaTAC" модели илк мобил телефон орқали сўзлашишни амалга оширди. Эътибор беринг, унинг ҳажми 1,15 килограмми ташкил этган, қуввати эса бор-йўғи 20 дақиқалик суҳбатга етарди. Каттагина антеннали трубка кўринишидаги оғир ва олиб юришга ноқулай телефон фақатгина қабул қилувчи ва чиқувчи кўнгирукларга мўлжалланган эди. Вақт ўтгани сайин телефонларнинг ҳажми кичраиб, аксинча, имкониятлари эса ортиб борди. Бугун улар доимий ҳамроҳимиз, яқин ҳамкоримизга айланди, десак муболага бўлмайди. Масалан, мен тонг ота бошлаганини, одатда, телефонимдаги соатга қараб биланман. Мабодо бирор жойга отланаёттиб, электрон "суҳбатдошим"ни уйда қолдирсам, ўзимни худди ёмғирда соябонсиз юрган одамдек ҳис қиламан ва ҳоказо. Энг қизиғи, бундан 5—10 йил олдин видеолеер, фотоаппарат ва телефон учун алоҳида пул сарфлаш керак эди, ҳозирга келиб, биргина мобил телефондан ҳар учаласи ўрнида фойдаланиш мумкин. Техника тараққиёти бутун бошли кинотеатрни чўнтагимизда олиб юриш имкониятини берди.

ЧўНТАККА СИҒМАЙДИГАН ТЕЛЕФОНЛАР

Сўнги ўйилликда мобил телефонлар оламида ақл бовар қилмас ўзгаришлар рўй берди ва уларни қуруқ рақамларда ифодалаш қийин. Минглаб функциялар, ўйинлар ва дастурлар, сифатли фото ва видеоларни суратга олиш имкониятига эга замонавий iPhone смартфонларини катталиги телевизор пультадек келадиган камтаргина Motorola билан солиштириб бўлмайди, албатта. Эътиборлики, телефонлар мукамаллашгани сари одамларнинг улар ҳақидаги тасавурлари ҳам ўзгара бошлади. Айниқса, қўл телефонлари билан бирга улағйиб бораётган авлод борлиқни митти электрон қўти орқали англаётгани бир



томондан қизик, бошқа томондан эса хатарли.

2007 йили телефонлар оламида "3G" инқилоби юз берди. 3G тармоқларининг пайдо бўлиши натижасида алоқа каналлари энгиллашди ва бу телефонлар ва абонентлар имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Кафтерек келадиган замонавий телефон функциялари қамрови 80-йиллардаги жомадондек келадиган портатив компьютерниқига тенг.

Олти йиллик муддатда Motorola телефонлари такомиллашиб, ихчам кўринишга эга бўлди. MicroTas номли бу телефонларни автоматбилларга ўрнатиш имконияти мавжуд эди. Шунга қарамадан, улар чўнтакка сиғмасди.

1992 йили ўша даврда ингичка ва бежирим ҳисобланган рақамли телефон — Motorola International модели яратилади. Деярли шу вақт-

АПЛО, МЕНИ ЭШИТЯПСИЗМИ?

нинг ўзида Nokia 1011 — GSM стандартидаги дастлабки телефонларни оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ушбу ускуна корпуснинг юқори қисмида жойлашган суюқ кристалли экран ва аввалгиларига қараганда бир неча сантиметр қисқароқ антеннага эга эди. IBM компаниясининг комбо-телефонлари ҳам худди ўша пайтда дунё юзини кўрди.

1995 йили Хитойда дунёда биринчи мартаба CDMA стандартидаги алоқа тизими ишлай бошлади. Илк йиғма телефонни 1996 йили Motorola ишлаб чиқарди. Усқунанинг юқори қисмида динамик, ўнг устки бурчагида эса ингичка антенна кўзга ташланар эди. У асосан АҚШ ва Европа давлатларида муваффақият қозонди.

Nokia компаниясига тегишли 8110 "банан" телефонлари дастлаб "Матрица" фильми орқали омма орасида машҳур бўлди. Телефон кичкина, аммо катта ахборот сизимига эга монохром дисплейдан ташкил топган. Клавиатура пастга суриладиган елим қопқоқ тагида яширинган, унинг пастки қисмида эса микрофон жойлашган эди.

Жаҳондаги илк смартфонлар серияси сифатида Nokia 9000 Communicator телефонлари тан олинди. Очиладиган қаламдон кўринишидаги мазкур усқунанинг биринчи ярмида рангли экран, иккинчи ярмида эса клавиатура жойлашган бўлиб, смартфон Intel 386 процессори асосига қурилган. 1998 йилга келиб алоқа воситаси сезиларли даражада энгиллашди ва 9110i модели кўринишида такомиллаштирилди.

Бу вақтда мобил телефонларнинг оммалашган модели сифатида Nokia 5110 телефонлари тан олинди. Кўришиб турганидек, 90-йилларнинг охирида Nokia телефонлари жаҳон бозорига етакчиликни қўлга олиб улгурган эди. 1999 йили чиройли дизайн ва қўшимча функциялар билан бойитилган Nokia 8210 телефонлари сотувга чиқарилди.

MP3-ПЛЕЕРДАН ИНТЕРНЕТГАЧА

Дастлабки WAP-браузерли телефон — Nokia 7110 катта экранли ясси мобил усқуналар даврини бошлаб берди. "Банан"лар сингари унинг клавиатураси ҳам пастга сурилувчи қопқоқ билан ёпилар эди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ишлатиш мумкин бўлган Nokia 5120 модели зарба-

лобайтдан иборат ва ўша давр учун бу жуда катта ҳажм саналар эди.

2002 йил нафақат мобил телефон ихлосмандлари, балки бутун инсоният учун ҳам муҳим санага айланди. Nokia 3510 модели телефон илк бор интернетни оммавийлаштиришга ҳисса қўшди. Дастлабки камерали телефон — Nokia 7650 слайдери ўз навбатида ҳаётнинг гўзал лаҳзаларини тарихга муҳрлаш ис-



тагидаги одамлар учун қутилмаган янгилик бўлди. Шу даврда сенсор экранли ва хотираси 128 мегабайтдан иборат Sony Ericsson P800 смартфонлари тақдим этилди.

КАФТДАГИ ДУНЁ

"Википедия"да ёзилишича, 1984 йилда мобил алоқа фойдаланувчилари сони 300 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб, бу кўрсаткич 1,2 миллиардга етди. 2003 йилдан оммалаша бошлаган Nokia 1100 ҳам энг харидоригир моделлардан бирига айланди. Ишлаб чиқарилган вақтдан то бугунга қадар у тахминан 200 миллион нусхада сотилгани ҳақида маълумотлар бор.

2004 йилнинг энг машҳур уяли алоқа воситаларидан бири — Motorola Razor V3 шу турдаги мобил телефонлар учун стандарт вазифасини ўтай бошлади. Nokia 7610 смартфонни эса 1 мегапикселли камерага эга илк мобил қурилма эди. Унинг "издоши" — Nokia 3220 орқали интернет тармоқидан тўлақонли фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Мобил телефонлар тарихида янги саҳифа очган iPhone смартфонларининг илк тақдироти 2007 йилга тўғри келади. Бу энди камера ва MP3-плеерли телефон эмас, Multi-Touch (мультич) сенсор интерфейсига эга ва имкониятлари деярли чексиз мини-компьютер эди. Теле-

Айтиш керакки, Nokia ҳозирга келиб, жаҳон бозоридagi етакчиликни қўлдан бой берди. Унинг ўрнини Samsung ва Apple маҳсулотлари эгаллади. Келажак телефонлари эса эгилувчан дисплейга эга бўлиши кутилмоқда. Маълумотларга қўра, АҚШнинг Las-Vegas шаҳрида ўтказилган "CES-2013" юқори технологиялар кўргазмасида Samsung компанияси эгилувчан дисплейли смартфон лойиҳасини намойиш этган. Ҳозирча бундай смартфон яратишга эрта, аммо тезкор тараққиёт шиддати бу борада юксак чўққиларни ваъда қилмоқда.

Висола ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.



ПАРХЕЗ — УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Америкалик олимларнинг таъкидлашича, пархезга риоя қилиш инсон умрини 20 йилга узайтирар экан. Бундай натижага кундалик овқатланиш раціонини 40 фоизга камайтириш орқали эришиш мумкин.

Илмий тадқиқотчилар олиб борган изланишлар озиқ-овқат маҳсулотларини кам ейиш узоқ умр кўришнинг асосий гарови эканини амалда яна бир бор исботлади. Натижада, АҚШ аҳолиси учун кўп йиллардан буён муаммо бўлиб келаётган семизлик касаллиги қисман ўз ечимини топди.

Тадқиқот дастлаб, кемирувчилар устида ўтказилиб, улар гени ўрганиб чиқилди. Кемирувчилар учун махсус овқатланиш тартиби тузилди. Олимларнинг ушбу тадқиқотлари натижасида пархезга риоя қилган сичқонларнинг умри маълум фоизга узайиши кузатилди.

ЭНГ ҚАДИМГИ ЮЛДУЗ

Астрономлар томонидан Кўёш яқинида ҳаракатланувчи қадимий HD 140283 юлдузи аниқланди. Бу ҳақда америкалик астрономлар уюшмаси томонидан ўтказилган анжуманда маълум қилинди, дея хабар беради NatureNews манбаси.

Пенсильваниянинг Говард Бонд (Howard Bond) университети ходимларининг таъкидлашича, мазкур юлдуз Хаббл фазовий телескопи ёрдамида кузатилиб, у 13,2 миллиард йилдан буён порлаётгани аниқланган. Астрономлар мазкур юлдузнинг "ёши" ни белгилашда Ер билан юлдуз ўртасидаги масофани ўлчаб, аниқ тўхтамга келишди. Олимларнинг 11 мартаба олиб борган кузатишлари натижасига кўра, ушбу масофа 186 ёруғлик йилига тенг экани маълум бўлди. Тадқиқотчиларнинг текширувларида юлдуз нурунинг тарқалиш қуввати 13,2 миллиард йилни ташкил этиши ва бу кўрсаткич рекорд даражада экани аниқланди.

ЯНГИ СМАРТФОН СОТУВДА

AT&T оператори томонидан Pantech Discover коммуникатори сотувга чиқарилди. 12,6 мегапиксельга эга Android 4.0 Ice Cream Sandwich дастури асосида тузилган ушбу смартфон "CES-2013" юқори технологиялар кўргазмасида намоиш этилди.



1,5-гигагерцли мазкур қурилма Qualcomm Snapdragon MSM8960 процессори, MicroSD учун слот, 1 гигабайтли оператив хотира ҳамда 16 гигабайтли флеш-хотирага эгалиги билан ажралиб туради. Шунингдек, смартфоннинг 4,8 дюйм диагоналли сенсор экрани 720x1280 нуктага эга бўлиб, олди ва орқа томонида иккита камера мавжуд. Ушбу смартфоннинг 2 мегапикселлик камераси видеоқўнироқлар учун мўлжалланган. Wi-Fi (802.11a/b/g/n), Bluetooth 4.0, GPS приёмник ҳамда NFC микрочипи мавжуд бўлган мазкур аппарат 2 100 мАоС қувватли батареяга эга. Аппаратнинг оғирлиги 135 г, ҳажми эса 133x68x9 ммни ташкил этади.

ГРИППГА ҚАРШИ ЧОРА ТОПИЛДИ

"Associated Press" нашрининг маълум қилишича, Нью-Йоркда фаввудда вазиятлар ходимлари томонидан грипп эпидемиясига қарши янги чора қабул қилинди. Эпилида мазкур чорага биноан, гриппга қарши эмлаш тадбирлари фақатгина 18 ёшдан катталарга эмас, балки 6 ойлик чақалоқдан 18 ёшга бўлган аҳолига ҳам қўлланилмоқда. Бунга Нью-Йорк аҳолисининг 20 минг нафари ушбу касалликка чалингани асосий сабаб бўлди. Бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан тўрт баробар кўплиги шунингдек, Массачусетс штати аҳолиси ўртасида ўн марта ортаганлиги шифокорларни жиддий ташвишга солмоқда.

Касалликнинг олдини олиш ва назорат қилиш маркази ((Centers for Disease Control and Prevention)нинг маълум қилишича, эпидемия АҚШнинг 50 штатидан 47тасида қайд қилинган. Шу боис, марказ томонидан аҳоли соғлигини тиклаш мақсадида тайёрланган 130 миллионга вакцинадан 112 миллионгаси сарфланган.

ЯХШИ МУСИҚА ЭЗГУЛИККА БОШЛАЙДИ

Машхур нейрожарроҳ Жемшід Барухнинг фикрига кўра, яхши муסיқа инсон онгига таъсир қилиб, уни турли нозўя хатти-ҳаракатлардан ҳимоялаб турар экан. Ушбу мулоҳазалар Нью-Йорк илмий академияси томонидан ўтказилган йилги мутахассислар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Бунга Виджей Айернинг пианинода ижро этган куйи исбот бўла олди.

Олимлар муסיқа инсоннинг мия фаолиятига ижобий таъсир ўтказиб, асаб тизимини тинчлантиришни яна бир бора таъкидлаб ўтишди. Муסיқа сардолари аввал одам миясига, кейин эса унинг фикрлашига таъсир эта бошлайди. Натижада, инсон миясидаги ёмон ҳаёллар ўрнини эзгулик эгаллаб, уни яхшилик қилишга ундайди.

ЧЕКИШ САРАТОНГА САБАБ

Олиб борилган янги тадқиқот натижасига кўра, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш саратон касаллигини кўзгатувчи омилардан бири экани яна бир бор исботланди. Тадқиқотчилар 374 нафар чекувчи орасида текширув ўтказиб, уларнинг қонида эпигенетик ўзгаришлар юз берганини аниқлашган.

Умуман чекмаган инсонлар билан кашандаларнинг қон таҳлили солиштирилганда, соғлом одам қонида эпигенетик ўзгаришлар учрамаган. Мазкур тадқиқот ишларида 20 нафар турли мамлакат аҳолиси иштирок этган. Тамаки маҳсулотларини чекувчи инсонлар ДНКсида содир бўлган бундай ўзгаришлар, қолаверса, генлар фаоллигининг ошиши рақ касаллигини кўзгатувчи асосий омилардан бири, деб топилган.

Гулюз ОРИФЖОНОВА тайёрлади



Германиянинг "Volkswagen" компанияси расмий сайтида тарихда илк мартаба 2012 йилнинг охирига келиб автомобиллар савдоси 11,2 фоизга ўсгани ва йил давомида 9 миллиондан ортиқ машина сотилгани ҳақида маълум қилинди.

Японияда кучли қор ёғиши оқибатида кўчаларда ҳаракатланишнинг қийинлашгани, ерларнинг музлагани туфайли 1 киши ҳалок бўлган ва 900 киши жароҳатланган.

Миср пойтахти Яқинида мудофаа вазирлигига қарашли поездининг номаълум сабабларга кўра ҳалокатга учраши оқибатида, 15 нафар ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлгани ва 100 кишининг турли даражада жароҳат олгани ҳақида мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги хабар берди.

"Lenta.ru" сайтида хабар берилишича, Германия Федерал статистика хизмати томонидан ўтган йил бошида 81,8 миллионни ташкил этган мамлакат аҳолиси, йил охирига келиб асосан, муҳожирлар ҳисобига 82 миллион нафарга етганлиги маълум қилинди.

Хитой пойтахти Пекин шаҳри аҳолиси бир неча кундан буён мамлакатда юксак даражада ривожланган ишлаб чиқариш саноати оқибатида вужудга келган ҳаёт учун хавфли бўлган заҳарли ҳаводан нафас олаётгани ва мамлакат расмийлари муаммони ечиш учун бош қотираётгани ҳақида хабар тарқатилди.

Мали ҳукумати расмийлари мамлакатда 2012 йил баҳоридан буён давом этаётган қуроли тўқнашувларни бартараф этиш учун бир қатор давлатлардан ёрдам сўраганини қўллаб-қувватлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, мамлакат ҳудудида Франциянинг ҳарбий кучларини киритиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси марказ директори ўринбосари Нарзиқул Турдиевага уқаси

Ғайрат ШЕРОНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

ЭРКАТОЙ БИЛАН СЕХРГАР

Қадим замонларда бир ялқов — иш десалар баҳона топган, ош десалар чолган эркатой бола бўлган экан. У ёз бўлса-ю қиш бўлмаса, ош бўлса-ю иш бўлмаса, дейдиганлар хилидан экан.

Кунларнинг бирида у одатдагидек ўрнидан тургиси келмай, хаёл суриб ётганида, кимдир деразани оҳиста чертибди. Эркатой эринибгина дераза томон ўтирилган экан, уни гўзал бир хоним секингина ўзига имлаб чақирибди. Эркатой хонимни аввал сира кўрмаган экан. Хоним дарчани очиб:

— Эркатой, сенинг отингни билмайман-у, аммо ҳамма сени шундай чақирилганига қараганда, мен изла-

кечки овқатни бир амаллаб ебди. Бу ерда қиладиган на бир иши, на бир суҳбатлашадиган кишиси бўлганидан яна ўрнига кириб ётиб олибди.

Бамисоли икки томчи сувдек бири-бирига ўхшаган кунлар ўтаверибди. Бу ерда ҳатто эрталаб юзини ювиб, артиш ташвиши ҳам йўқ экан. У ўрнидан турганида юзи ювилиб, артилган бўлар экан. Гаплашишга ҳеч зог бўлмагач, оғзини ортиқча қимирлатишининг ҳам ҳождати йўқ экан. Фақат девордаги тошойнагина унга "Вазнингни ўлчаб кўр, бугун яна тўлишибсан" деган гапни ҳар кунни бир вақтда, бир хил оҳангда такрорлашдан чарчамас экан. Аммо шу гапни айтгач, у ҳам кун бўйи бошқа бир сўз демас экан. Вазни эса, кундан-кунга оғирлашиб бораверибди.

Эркатой кундан-кунга вазни ошиб, бақалоқ болага айлланиб бораётганини кўриб даҳшатга тушибди. Ором қасрини тарк этиб, уйга

Kenja botir

тайёрлашинг, сув келтиришинг, ўчоғига ўтин териб келиб ёқишинг керак. Бунинг устига, унга меҳрибонлик қилиб, кўнглига йўл топишга ҳам тўғри келади. Агар шунга рози бўлсанг, ҳозироқ йўлга тушамиз, — дебди хоним.

Эркатой аввалги ҳолига қайтиш учун ҳатто ajalнинг оғзига боришга ҳам тайёр экан.

... Алвасти хоним айтганидан ҳам баттар очкўз, бунинг устига челақлаб сув ичиб ҳам кўрдим демас экан. У Эркатойни кўриб қувониб кетибди. Хоним айтган тайёр хизматкорни у анчадан бери кутаётган экан. Эркатой Алвастининг кулбасида эртдан-кечгача бир зум тиним билмас, ҳали овқат пиширар, ҳали сув-ўтин келтирар, ҳали идиш-товоқларни ювиб, уй тозалар, бу ҳам етмагандек, унинг

ОЛТИН БАЛИҚ БИЛАН ПОДШОҲ

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда айтгани — айтган, дегани — деган, ҳеч зотга эғилмаган, умрида енгилмаган, сиртида олим, ичида золим бир подшоҳ ўтган экан.

Кунларнинг бирида подшоҳ дарёнинг бўйида айланиб юриб, кекса балиқчини учратиб қолибди.

Чол подшоҳга:

— Шохим, ҳозир қармоғимга илган балиқни сизга ҳаёз этсам, олсангиз бошим кўкка етарди, — дебди. Балиқчи шундай деб қармоғини дарёга ташлаган экан, зум ўтмай унга олтин балиқ илينيбди.

"Айтилган гап — отилган ўқ, ундан кечиш йўқ", деб чол подшоҳга олтин балиқни қармоғи билан тутқазибди. — Марҳамат, шохим, омади келганлардан экансиз, — дебди.

"Эҳ, ахмоқ, омадим чопмаганида подшоҳ бўларимдим", — дебди подшоҳ қаҳ-қаҳ уриб.

Олтин балиқ жони подшоҳнинг қўлида эканлигини тушуниб, таъзимла унга бош эгиб:

— Хизматингиздаман, — дебди "Тила тилагингни, адо айлай" дейиш ўрнига.

Подшоҳ олтин балиқ ҳақидаги кўна эртаки эшитган экан. "Шундай бир нарса сўрайки, токи олтин балиқ уни мендан қайтариб олганида жоним ачимасин", деган ўй унинг кўнглидан кечибди.

"Сув парилари гўзал бўлади, дейишарди. Балиқ ер юзидеги соҳиб-жамоллар улар қошида ип эшолмас. Сув париси бирон ой саройимни безаб турар. Мабодо олтин балиқ уни қайтариб олгудай бўлса, у менинг жонимга теккани учун келган жойига жўнатдим, дерман", деб ўйлаша билан олтин балиқ унинг хаёлидан ўтган истакни рўбга чақирибди.

Қирғоқда ўзидан сочи узун, юзлари оқликда ой билан талашган соҳибжамол сув париси пайдо бўлибди. У шохга жиммайганча таъзим бажо қилиб турганмиш. Шох кизга боқиб кўз узоқлаб қолдибди. Саройдаги гўзалларнинг бари бир тараф, бунинг ўзи бир тараф экан, дея беҳад шодланибди. Энди олтин балиққа миннатдорлик билдирай деса, у ҳамон қармоқда турганча:

— Шохим, буюринг. Сиз подшоҳи оламсиз, бошқаларнинг биргина тилагини бажо этсам, сизнинг бирдан икки тилагингизни бажаришга тайёрман, — дебди олтин балиқ подшоҳга.

— Олтин балиқ, сен менга дунёда ҳеч бир киши қилмаган яхшиликни қилдинг. Мени ниятига етказдинг. Сен туйфайли кўнглимда армоним қолмади. Аммо шу гўзалликда тенги йўқ соҳибжамолнинг ҳам қалбига қулоқ тутсақ. Унинг тилаги не экан? — дебди подшоҳ сув парисига қараб.

Сув париси ер ўпиб таъзим бажо айлабди.

— Мен сув парисиман. Ҳаётим сув билан тирик. Модомки, шохим, сиз мени истаган экансиз, жоним сизга қурбон бўлсин. Илтифотингиз учун минг бор ташаккур. Тилагимга келсақ, олтин балиқ дарёнинг ичидан бизга бир уй қуриб берсин. У ерда умримизнинг сўнги кунига-ча бирга бахтли ҳаёт кечирайлик, — дебди сув париси ноз-у карашма билан.

Соҳибжамол шу сўзларни айтиб тугатар-туғатар подшоҳ билан сув париси дарё тубидаги олтин қасрда пайдо бўлишибди.

Подшоҳ ихтиёри қўлидан кетганини англагач, пушаймонлик дарёсига фарқ бўлибди. Шундай қилиб, бу гал олтин балиқ фақат берганини эмас, берганига қўшиб подшоҳнинг ўзини ҳам сувости салтанатига олиб кетган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, донолар беҳиз ўйламай гапирмоқ — оғримай ўлмоқ, демаган эканлар.

Ҳидоят ОЛИМОВА

ЯНГИ ЭРТАКЛАР

ган бола сен бўлсанг керак. Истасанг, сени Ором қасрига олиб кетаман. У ерда ҳеч ким зинҳор сенга уни қил, буни қил деб иш буюрмайди. Нима истасанг шу заҳоти муҳайё бўлади. Шарт шуки, сен у ерда асло кўлингни совуқ сувга урмаслигинг керак. Ором қасрида эртдан кечгача, кечдан тонггача фақат дам олишинг, овқатлашинг, ўйнашинг, тўйиб-тўйиб ухлашинг мумкин. Истасанг, ҳозироқ йўлга тушамиз, — у шундай деб Эркатойга қўлини узатибди. Эркатойга хонимнинг гаплари ёқиб тушганидан дарҳол унга эргашибди.

... Кўз очиб-юмгунча фурсат ўтмай, хоним уни Ором қасрига олиб борибди. Қаср боғида дунёдаги энг мазали мевалар пишиб ётган эмиш. Қаср зиналаридан кўтарилиб, хоналардан бирига бош суққан экан, мазали таомларнинг ҳиди димоғини қитиқлаб, иштаҳасини кўзгабди. У беихтиёр ичкарига қадам ташлабди. Хона ўртасидаги катта дастурхон турли-туман таомлар, патир-нонлар, мева ва шарбатлар билан лиқ тўла экан. Эркатой бу ажойиб таомлар, ширинликларни кўриб, ўзини тўтиб туролмай бир чеккадан ейишга тушибди.

У умрида бунчалик роҳатланиб овқатланмаган экан. Еяверибди, еяверибди, қорни тўйса-да, очкўзликдан дастурхондан асло нари кетгиси келмабди. Ахир бу ерда "Бўлди, ортиқча овқат ейиш зарар" деб айтадиган одам йўқ экан-да. Охири томоғидан овқат ўтмай қолгач, ўрнидан базўр турибди. Аммо бир-икки қадам ташлагач, юришга мажболи етмай, юмшоқ ўринга ётиб олибди. Шу кўйи ухлаб қолганини ўзи ҳам сезмай қолдибди.

У ўрнидан турганида девордаги соат миллари кечки бешдан ошган экан. Бир амаллаб ўрнидан туриб, хонани кўздан кечирса, тўшага ёнида катта тошойна, унинг тағида одам вазнини ўлчайдиган тарози бор экан. Эркатой тошойна олдига бориб, ўзини кўздан кечирибди. Ойна сеҳрли экан. У тилга кириб:

— Хой бола, вазнингни бир ўлчаб кўр. Тўлишаётганинг ҳозирдан сезилмоқда, — дебди.

Эркатой тарозиди оғирлигини ўлчаган экан, ўттиз беш килограмм чиқибди.

Эркатойнинг қиладиган бошқа иши йўқлигидан, иштаҳаси бўлмаса-да, таом тўла дастурхон ёнига келиб,

қайтай деса, у бу ердан кетиш йўлини билмас экан. Уша кунни деразасини чертган гўзал хоним унга бу ҳақда ҳеч нима демаган экан-да.

Кунлардан бир кунни Эркатой одатдагидек тош ойнадаги аксига қараса, шунчалик семириб кетибдики, нақ катта бир коптокка ўхшаб қолибди!

Мени бу қиёфада ҳеч ким танима-са керак, деб ўйлаб, у Ором қасрига келган кунига ҳам, уни бу ерга олиб келган гўзал хонимга ҳам лаянатлар айтибди. Аммо бундан ҳеч қандай фойда бўлмабди. Қандайдир сеҳрли куч туйфайли ҳар кун унинг дастурхонни турли-туман таомлар, ширинликларга тўлиб қолаётганини сезган Эркатой энди ғойибона бўлса-да, ўша гўзал хонимга илтижо қила бошлабди. "Сендан ўтиниб сўрайман, мени бу сеҳр-жодудан озод қилиб уйимга жўнат. Биламан, сен мени эркатой ва ишқамаслигим учун жазоламоқчисан. Аммо сўз берман, соғ-омон уйимга бориб олам, ҳаммаси бошқача бўлади. Ишқамаслигимни, очкўзлигимни ташлайман. Бошқалар қатори елиб-югуриб ишлайман, ота-онамнинг сўзидан чиқмайман". Эркатой ҳар кун тошойна олдига бориб шу сўзларни такрорлайверибди.

Ниҳоят, кунларнинг бирида, у орзиқиб кутган мўжиза юз берибди. Гўзал хоним ёнида пайдо бўлиб:

— Чақиршингни билардим. Уйинга кетишни истайсаними? Мана бу қушчанинг ортидан эргашсанг, у сени уйингга олиб боради. Қани йўлга туш, — у шундай деб қўлидаги қушчани учуриб юборибди.

Эркатой хоним айтганидек, қушчанинг ортидан эргашибди. Қишлоғига етиб борганида уни кўрган одамлар қайрилиб ҳам қарамабди. Чунки шунчалар семириб ўзгариб кетган эканки, уни танишини оложи йўқ экан. Бундан ҳам ёмони Эркатой уйига кирмоқчи бўлганида, эшикка сизмабди. Хафа бўлганидан юм-юм ёш тўкиб йиғлабди. Шунда унинг қаршисига яна гўзал хоним пайдо бўлибди:

— Эркатой, бир амаллаб ичкарига кирганингда ҳам уйингдагилар сени танимас эди. Истасанг, аввалги ҳолингга қайтишинга ёрдам беришим мумкин. Бунинг учун сен бир неча ойлар Алвасти хизматида бўлишинга тўғри келади. Билиб қўй, у жуда очофат, бунинг устига челақлаб сув ичади. Сен Алвасти учун овқат

битлаб кетган сочларидаги бит-сиркаларни териб тозалар, Алвастининг кўнглини олиш учун умрида ҳеч кимга айтмаган ширин гапларни айтаркан. Аммо орадан ойлар ўтса-да, коптокдек таранг бадани озай демас экан. Эркатой: "Наҳотки, энди бир умр шундай бақалоқ бўлиб қолсам", — деб ваҳимага тушибди. Унинг кунлари кўркув билан ўта бошлабди. Эркатой энди кундан-кунга чаққон бўлишга, Алвастига яна ҳам кўпроқ меҳрибонлик кўрсатишга ҳаракат қилибди. Буни кўрган Алвасти хизматкорларининг ярмига жавоб бериб юборибди.

Кунларнинг бирида сув олгани сойга борган Эркатой беҳосдан сувда ўз аксини кўриб қолибди. Сувдаги аксига қараб анча озганини сезибди. Аммо хоним айтган муддат ўтмагунча, бу ердан кетолмаслигини ўйлаб яна Алвастининг уйига қайтибди ва унинг хизматини қилишда давом этибди.

Бир кун Алвасти меҳмонга бормоқчилигини айтибди. У кетиши олдида Эркатойни ёнига чақириб:

— Бугун мен меҳмондан қайтмайман. Тўшақларимни офтобга ёй, қуёш нурларида улар бир тоблансин. Кечкурун менинг партўшақларимда ухлаб, дамнинг ол. Ахир, сен хизматкорларимнинг орасида энг чаққони ва менга ёққани бўлдинг. Сен келиб кулбамга фойз кирди, — у шундай деб супургисига ўтириб, аллақайларга қараб учиб кетибди.

Эркатой Алвасти буюриб кетган барча юмушларни қолдирмасдан бажарган, офтобда роса исиган кўрпалардан ўрин солиб парестикка ёнбошлабди. У бундан шунчалар роҳатланибдики, буни сўз билан таърифлаш қийин экан. Ахир, шунча кунлардан буён ором нималигини билмай, елиб-югуриб хизмат қилган, тўғри келган жойда ётиб юрган Эркатой эндигина юмшоқ ўринга етишган экан-да. У юмшоқ ўринга кириб ётгач, ширин уйкуга кетибди, ҳатто хоним уни кўтариб, туғилиб ўсган уйидаги ётоғига ётқизиб қўйганини ҳам сезмабди. Тонгда кўз очганида эса, Алвастининг кулбасида эмас, ўз уйида ётганини кўриб шунчалар қувонибдики, ҳатто бўлиб ўтган воқеаларни эслашни ҳам истамабди. Аммо баъзи-баъзида ўтган воқеалар ёдига тушгудек бўлса, Эркатой ўз-ўзидан уялиб кетар экан...

ЁШ АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ МАСКАНЛАР

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ҳудудларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган мажмуаларни барпо этиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти давомида жойларда жисмоний тарбия ва болалар спортининг моддий-техник базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт мажмуалари барпо этишга алоҳида эътибор қаратди, — дейди жамғарманинг қурилиш бўлими бошлиғи С.Болтаев. — Спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сонини аниқланиб, илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, истиқболли спорт турлари ривожлантирилади бошланади. Спорт иншоотлари қуриш ва таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди. Бугунги кунгача жамғарма томонидан республика бўйича жами 1480та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 1 363тасини (92 фоизи) спорт иншоотлари ташкил этади. Мазкур спорт иншоотларидан 1099таси (81 фоизи)нинг қишлоқ

қурилатган спорт иншоотлари — спорт ядроси (агрофи югуриш йўлаклари билан ўралган футбол майдони), спорт майдончаси, спорт аренаси, спорт трасаси, спорт ўйинлари учун майдон, спорт манежи, универсал томошоғоҳ, сузиш ҳавзаси, велотрек, акватория ва эшакка эшиш каналидан иборат.

Спорт комплекслари эса ўқув машғулотлари ва мусобақалар учун мўлжалланган, битта бошқарув тизимига эга бўлган, ҳамма ва юза жиҳатидан тури ТИПдаги, стадион, комплекс спорт майдони, корпус, эшакка эшиш, чангида учуш, терма жамоалар учун база, спорт иншоотларининг бирлашган дирекциясини қамраб олади.

Болалар спорт комплекслари асосан беш турга бўлиниб, улар 1-ТИП, 2-ТИП, 3-ТИП, 4-ТИП, 5-ТИПдир. Улар хусусиятига кўра шаҳар ва туман марказлари учун, шаҳар ва қишлоқлар учун, қишлоқ жойлари учун ҳамда маҳаллалар учун мўлжалланган очик ва ёпиқ кўринишда барпо этилади.



жойларда барпо этилгани қишлоқ ёшларидан жисмоний тарбия ва спортга бўлган қараш ва қизиқшини тубдан ўзгартирди. 2012 йилда Дастурга мувофиқ 96та спорт иншоотини (5та иншоот 2013 йилга ўтувчи) янгилан қуриш, шунингдек, мактаб спорт заллари, мавжуд спорт иншоотларини реконструкция қилиш кўзда тутилган эди. Жумладан, ТИПлар асосида 15та янги мажмуа қурилган бўлса, 17та мактаб спорт зали, 10та мавжуд иншоот реконструкция қилинди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда

1-ТИП энг кўп қуриладиган мажмуа. У шаҳар ва қишлоқ жойлари учун мўлжалланган ва айни дамда кўплаб барпо этилмоқда. Лойиҳа очик ҳавода ўтказиладиган спорт турлари учун мослаштирилган бўлиб, ўз ичига футбол майдони (90x50 м.), айланма ва тўғри чизикли югуриш йўлакчалари, узунликка ва баланликка сакраш, ядро, найза ва граната улоқтириш, волейбол, баскетбол майдончалари, 960 томошабин сизагадиган трибуна ҳамда трансформаторни ўз ичига олади. Ушбу тип очик кўринишдаги ягона мажмуа саналади. Лойиҳанинг назарий жиҳатдан белги-



ланган юзаси 15782 квадрат метрни ташкил этади.

Шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари: футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол.

2-ТИП қишлоқ жойлари учун махсус ишлаб чиқилган лойиҳа бўлиб, ёпиқ ва очик кўринишдаги иншоотлардан иборат. Очик шаклдаги 1-ТИП кўринишида бўлади.

Ёпиқ мажмуа таркибига эса спорт зали (18x42 мдан ташқари вестибюль, гардероб, мураббийлар учун ва ўқув-методика хоналари, тиббиёт пункти, коридор ва бошқа ўндан ортик объектлар кирadi.

Шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари: футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бадний гимнастика, спорт гимнастикаси, якка кураш, стол тенниси, теннис, кўл тўпи, минн футбол.

3-ТИП 18x42 м. спорт зали, очик бассейн ва томошабинлар трибунаси мавжуд икки қаватли, шаҳар ва туман марказлари учун мўлжалланган мажмуа.

3-ТИПга ўз навбатида очик мажмуа сифатида 1-ТИП ҳам қўшилиши мумкин.

Шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари: футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бадний гимнастика, спорт гимнастикаси, якка кураш, стол тенниси, теннис, кўл тўпи, минн футбол, сузани.

4-ТИП 3-ТИПдан ёпиқ бассейнинг мавжудлиги ва 1-, 2-қаватдаги объектлар сонини билан фарқ қилади. Масалан, 3-ТИПда 1-қаватда 29та, 2-қаватда 5та объект бўлса, 4-ТИПда бу кўрсаткич 20та (1-қават), 22та(2-қават)га тенгдир.

2-ТИПдан 4-ТИПгача бўлган спорт мажмуаларини 1-ТИП билан бирга барпо этиш мумкин.

Шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари: футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бадний гимнастика, спорт гимнастикаси, якка кураш, стол тенниси, теннис, кўл тўпи, минн футбол, сузани.

5-ТИП гарчи объектив жиҳатдан бошқа ТИПлар билан ўхшаш бўлса-да, қолганларидан баъзи жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Чунки охириги лойиҳа маҳаллалар учун махсус мўлжалланган ихчам мажмуа бўлиб, унинг учун катта майдон талаб қилинмайди.

12x24 метр юзага эга бўлган спорт зали, минн футбол-гандбол (43x22 м.), теннис (36x18 м.), стол тенниси (9x16 м. — 4та стол) майдони, трансформатор, жами 5198 квадрат метр майдон керак бўлади. Бундай спорт мажмуалари кўпгина маҳаллаларда бор.

Шуғулланиш мумкин бўлган спорт турлари: енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бадний гимнастика, спорт гимнастикаси, якка кураш, стол тенниси, теннис, кўл тўпи, минн футбол.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, спорт мажмуаларидаги майдончаларнинг шакли, сони, таркиби, ҳамма ва тартиби у қурилатган жойнинг архитектуравий, сейсмологик ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб режалаштирилади. Шу ўринда бугун барпо этилаётган бундай спорт мажмуалари ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзига ошно қилиш баробарида улар зарарли иллатлардан ҳоли бўлишини таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Биргина мажмуада 10дан зиёд спорт тўғараklarининг фаолият кўрсатишини ҳисобга олсак, уларда иштирок этаётган болаларнинг бўш вақтлари нечоғли мазмунли ва фойдалу ўтишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Гулюз ОРИФЖОНОВА, "Ma'rifat" мухбири



ПЕДРУ — ПЕШҚАДАМ

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) 2012 йилнинг энг фаол рефериларини аниқлади. Эътиборлиси шуки, кучли ўнликдан ҳамюртимиз Ravshan Ermatov ҳам ўрин олган.

Португалиялик рефери Педру Проэнса номи кўпчиликка яхши таниш. У ўтган йили икки йирик турнирда ҳал қилувчи матчлари бошқариб боришга муваффақ бўлди. Дастлаб Европа чемпиони лигасининг, кейин эса Европа чемпиони финалини бошқариш айнан Педруга ишониб топширилди.



40 ёшли реферининг асосий таъкибчиси — таниқли туркиялик ҳамкасби Жунайд Чақир етакчидан 101 балл камроқ очко тўплади. Бу борада учинчи ўрин қўллангандак англиялик Хоавард Уэббга нисбат этди. Унга Чақирини орта қолдириш учун атиги 2 балл етмади.

Юртдошимиз Ravshan Ermatov мазкур рўйхатда 6-ўринда қайд этилди. Бу натижа МДХ ҳамда Осие китъасида вакилимизнинг яқна пешқадамлигини аниқлатади.

123 ЙИЛДАН СЎНГ

Дунё рейтингда тўртинчи ўринда бораётган польшалик теннисчи Агнешка Радваньска Сидней шаҳрида ниҳоясига етган халқаро турнир финалида 15-ракамбли ракеткачи сербиялик Доминика Цибулкова билан куч синашди.



Таърибли спортчи Радваньсканинг тўлиқ устулиги остида кечган ҳал қилувчи матчда Доминика девяли қаршилик кўрсата олмади — 6:0, 6:0. Хотин-қизлар теннис ассоциацияси расмий сайтида келтирилишича, аёллар ўртасида бундай "қуруқ" ҳисоб

Сидней шаҳрида 1890 йили қузелтиган экан. 23 ёшли Радваньска эса ўз фаолиятидаги тўққизинчи совринини қўлга киритди. Ажабланирлики, польшалик теннисчи 2013 йилнинг 13 кунли ўтар-ўтмас икки йирик турнирда бош совринини қўлга киритишга улгурди. У дастлаб Янги Зеландиядаги Оклендда зафар қўчганди.

Австралия ҳамон теннис оғушида. Айни дамда Мельбурн шаҳрида йилнинг энг йирик мусобақаларидан бири — "Australian Open" га старт берилди.

ХАТОЛАРИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Биатлон бўйича Рупольдинг шаҳри мезбонлик қилаётган Жаҳон кубоги мусобақаларининг бешинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар ўртасида масс-старт бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди.

Норвегиялик машҳур спортчи Тура Бергер рақибларига ҳеч қандай ишоният қолдирмади. Рупольдинг шаҳрида мусобақа вақтида совуқ шамол эсар, ер ҳам айна музлаган эди. Шунга қарамай, спортчилар шажоат билан курашга киришди.

Пойга арафасида Туранинг асосий рақиб сифатида германиялик Мириам Гесснер кўрсатилаётганини Чиндан ҳам Гесснер илк қадамларини ишончли ташлади. Аммо у шошилишда бта хахого йўл қўйди ва кетма-кет жаримага тортилди. Шундан сўнг у бор-йўғи саҳизинчи ўринни эгаллади.

Кучли уликчи эса беларуслик Дарья Домрачева ҳамда россиялик Ольга Зайцева тўлдириди.

ЙИЛКИЛАН КУРАШГА ТҮЙМАС

Филиппинлик таниқли боксчи Мэнни Пақьяо ва унинг ашаддий рақиб мексикалик Хуан Мануэль Маркес ўртасида такрорий муштлашув ўтказилиши ҳақида "Manila Bulletin"да хабар тарқатилди.



Мазкур учрашув 20 апрель кунини ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бокс оламнинг машҳур инсонларидан бири Боб Арум ҳар икки чарм кўлқоп соҳибининг промоутери ҳисобланади. У спортчиларнинг ўзаро бешинчи қарама-қаршилиғи бошланишидан аввал АКШда бокс кечасини ташкил этмоқчи. Унда боксчилар омма кўз олдида чигалёзди машқларини бажаради, учрашувдоғи фикрларини муҳлисларга баён этади.

Хабарингиз бор, ўтган йили декабрь ойида ўтказилган жангда Пақьяо қўлимаганда Маркес томонидан қажатлиқ мағлубиятга учратилган ва ноқуат ҳолатидан 4 дақиқа давомида чикиб кетолмаганди. Пақьяо реванш олиш учун жиддий тайёрлаш қўрмоқда.

Садоқат МАХСУМОВА тайёрлади.

Bolalar sporti

ЁШЛАРНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ



Мақтаб тарбияланувчилари (ўнгдан) Асея Зарубоева ва Гулмира Асенбоева

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга, жойларда барпо этилган замонавий спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай ғамхўрлик самарасида нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилаётган ёш спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир.



Баддий гимнастика бўйича мураббий Нигора Полванова шогирдлари билан.

Нукус шаҳридаги 2-республика кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби 700 нафардан зиёд ўғил-қизни ўз бағрига олган маҳорат масканларидан бири.

2006 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мактабда ёшлар баддий ва спорт гимнастикаси, оғир атлетика, каратэ, таэквандо сингари 14 спорт тури билан мунтазам шуғулланади. Мак-

табга 25 нафар малакали мураббий жалб қилинган.

Мақтаб ўқувчилари кўлга киритаётган залворли ютуқлар кўпчиликнинг эътиборини тортаётир. 2012 йили Германияда баддий гимнастика бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада мураббия Нигора Полванованинг шогирдлари Гулистон Отамурадова ҳамда Севара Тажимова шохсупанинг энг юқори поғона-

сидан жой олди. 2012 йилнинг октябрь ойида пойтахтимизда шотокан каратэ-до II жаҳон кубоги мусобақасида мазкур мактаб ўқувчилари Гулхан Тобатова, Шаҳзода Аюсбаева, Гулистон Кайпанова, Ойсанам Алламбергенова ва Эланора Кудийёрова юқори ўринларга сазовор бўлди.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИغان ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАДИ!

2012 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олини имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндоғи уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раван йўللарга эга;



• Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун еркин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилишни маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланган;
- Янги уйлар янгида яқинроқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилди;

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фаривандлар учун мерос.



Келажақ учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатлигини кўпайтириши имконияти;
- Имтиёзли фонд ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори ўнлаш давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни тежамкорлик ва арзон нарслар гарови.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Ташқидан ўтган нудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатини юқорилик;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Улғуржи нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамалот" ЕИХ бўлиқларига;
- Хотин-қизлар кўмиталарига;
- Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларга;
- Қишлоқ қурилиш инвест филиалларига.

100060, Ташкент шаҳар, Шаҳрсабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

<p>Ma'rifat</p> <p>ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p>	<p>Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p>	<p>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilib shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqat qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p>	
	<p>Tahrir hay'ati: Madamin ARIPIJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>ISSN 2010-6416</p> <p>9 772010 641009</p>	<p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p>	<p>Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.</p>	<p>Dizaynerlar: Ma'nur AHLIDINOV, Liliya BINASHEVA.</p>
	<p>INDEKS: 149, 150. Г-118. Тиражи 68198. Hajmi 4 bosma taboq; Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi А-3.</p>	<p>Web-site: www.marifat.uz</p>	<p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—236-53-16, fan, oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi—236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi—236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi—236-55-58, reklama va marketing bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.</p>	<p>Navyatchi muharrir: Bahodir HALIMOV.</p>
	<p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p>	<p>Web-site: www.marifat.uz</p>	<p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p>	<p>Navyatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.</p>	